

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
НЕМИС ФИЛОЛОГИЯСИ ФАКУЛЬТЕТИ  
ЛЕКСИКА ВА СТИЛИСТИКА КАФЕДРАСИ

# БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: Ғарбу шарқ маданиятлари ўзаро таъсирининг  
тамойиллари ва шакллари

Иш кўриб чиқилди ва ҳимояга  
қўйилди.

« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

Кафедра мудири:

Ш.Қ.Каримов

**Бажарди:** 4- босқич талабаси

Адизова Дилдора

**Илмий раҳбар:** доц.

доц. Ш.Қ.Каримов

**Тақризчи:**

Д.Исматиллаева

Тошкент – 2010

***Ғарбу шарқ маданиятлари ўзаро таъсирининг  
тамойиллари ва шакллари***

**КИРИШ**

**I. БОБ Ғарб ва шарқ мамлакатлари маданий алоқалари  
оммавий ахборот воситалари нигоҳида**

- 1.1. Ғарб ва шарқ маданий алоқалари тарихига бир назар
- 1.2. Ҳозирги замон ғарб мамлакатлари ва ўзбек ижтимоий –  
сиёсий муносабатларига бир назар
- 1.3. Ўзбекистон немисзабон мамлакатлар оммавий ахборот  
воситалари нигоҳида

**II. БОБ Ғарбу шарқ маданиятлари ўзаро таъсирининг  
тамойиллари ва шакллари**

- 2.1. Ғарбу шарқ мамлакатларининг санъат, адабиёт, фан ва таълим  
соҳасидаги алоқалари (Ўзбекистон ва Германия мисолида)
- 2.2. Ўзбекистонда Германия маданияти кунларининг ўтказилиши

**Хулоса**

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

## КИРИШ

Ўзбекистон мустақилликка эришгач жаҳон ҳамжамияти билан ҳар томонлама бевосита алоқалар ўрнатиб, ўзаро тенг ва манфаатли муносабатлар жараёни интенсив характер касб этди. Мазкур ҳамкорликнинг муҳим саҳифаларидан ҳисобланган ғарб ва шарқ мамлакатлари муносабатлари ҳамкорликнинг янги босқичига кўтарилиб, мамлакатларимизнинг узоқ муддатли манфаатларини кўзлаган ҳолда ўзаро фойдали асосга эга бўлиб бормоқда.

**Ишнинг долзарблиги.** Ғарб мамлакатларининг имкониятлари-ю, иқтисодий қудрати билангина эмас, балки бой маънавий ва маданий мероси билан ҳам Европа ҳамда бутун жаҳонда юксак обрўга эга эканлиги аён. Шу боис ҳамкорлигимиз тўғрисида гап кетадиган бўлса нафақат савдо-иқтисодий алоқалар, балки маданий ва санъат, маориф ва фан соҳаларидаги ўзаро алмашинувни ҳам назарда тутамиз. Бугун бундай алмашинувга муҳим аҳамият бераётганимиз эса халқларимиз ўз тарихида мавжуд маданий ўзаро алмашинув анъаналарини қайта тиклаётганлигини кўрсатади. Ўзбекистоннинг ғарб мамлакатлари билан, хусусан Германия билан ҳамкорлигида биз нафақат Европа ва Осиё халқларининг кўп асрлик тарихий ўзаро маънавий бойиш анъаналарини келгусида давом эттириш учун муҳим асосларни, балки турли минтақаларни қамраб олган ва ягона жаҳон тармоғига бирлаштираётган интеграцион жараёнларнинг замонавий йўналишларига тўртки бериш имкониятини ҳам кўрамиз. Биз учун Германия тажрибаси яна шу билан аҳамиятлики, универсал демократик қадриятларни

қабул қилган немис тилли мамлакатлар халқлари ўзларининг азалий маънавий қадриятлари, ўзига хос бетакрор хусусиятлари, маданий бойликлари ва маънавий анъаналарини эҳтиёткорона сақлай билди ва камол топтира олди.

**Тадқиқотнинг вазифалари.** Ўзбекистон жаҳоннинг пешқадам давлатлари билан алоқаларидан нималар кутади? Ўз навбатида Германиянинг шарқ мамлакатларида, хусусан Ўзбекистонда ҳар жабҳада ўз фаоллигини ошираётганлиги қандай манфаатларни назарда тутаяди?

Ўзбекистон – Германиянинг яқин муносабатлари қандай самаралар бериши мумкин? Бу каби саволларга жавоб бериш ва икки томонлама ва кўп томонлама давлатлараро имзоланган ҳужжатларнинг амалиётдаги ижроси масалалари илм аҳли олдида турган муҳим вазифа эканлиги сир эмас. Мамлакатимизда олиб борилаётган фаол ички ва ташқи сиёсат Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг халқимизни истиқболли келажаги йўлидаги саъйи – ҳаракатлари туфайли бу борада катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқдаки, оқибатда сиёсий ва иқтисодий мустақиллигимиз тобора мустаҳкамланиб бораётганлиги аниқ манзара касб этмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон мустақиллигини жаҳонда энг ривожланган давлатлар тан олиб биз билан сиёсий, иқтисодий, маданий алоқалар ўрнатдилар.

Шу нуқтаи-назардан олиб қараганда **битирув малакавий ишининг мақсади** – биринчидан ғарб ва шарқ мамлакатларининг ўзаро манфаатларини илмий таҳлил қилиш; иккинчидан Ўзбекистон ва Германиянинг турли жабҳадаги муносабатларининг

келажакдаги истиқболларини таҳлил этиш ва уларни янада ривожлантириш йўллари белгилашда намоён бўлади.

**Ишнинг назарий ва амалий аҳамияти.** Жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланган, дунёнинг турли минтақаларида жойлашган давлатлар билан ўзаро тенг манфаатли алоқалар ўрнатган. Ўзбекистоннинг халқаро алоқаларини тадқиқ этиш фаннинг кам ўрганилган соҳаси ҳисобланади. Ўзбекистоннинг Германия билан турли жабҳадаги алоқаларини ўрганиш, турли матбуот саҳифаларидаги материалларни муайян тизимга солиш ва бу орқали ҳамкорликнинг самаралари мамлакатлар ривожига ва халқларнинг яқинлашувлари ҳамда ўзаро бир-бирларини англашларига хизмат қилаётганини аниқлаш битирув малакавий ишимизнинг аҳамиятини белгилайди.

# **I. БОБ Ғарб ва шарқ мамлакатлари маданий алоқалари оммавий ахборот воситалари нигоҳида**

## **1.1. Ғарб ва шарқ маданий алоқалари тарихига бир назар**

Жамият маънавият тараққиётининг, унинг ривожланиш тамойилларининг қонун ва қоидалари барча мамлакатлар учун объектив ва умумий хусусиятга эга. Бу дунё халқлари ўртасида ўзаро маънавий, ғоявий, адабий, маданий алоқалар. Адабий айрибошлаш узвий боғлиқ эканлигининг натижасидир, яъни муайян бир миллат қўлга киритган маданий цивилизация шу миллатнинг ўз худудида қолиб кетмасдан, балки турли воситалар, шароитлар, муносабатлар тақозасига кўра бошқа бир миллат маданий мулки ёки меросига ҳам айланиши мумкин. Бу жаҳон халқлари орасидаги қадимдан бўлган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий алоқаларга боғлиқ. Маданий адабий алоқалар туфайли дунё халқлари ғоявий жиҳатдан сезилиб қолган бўшлиқларни тўлдиради ва миллий муҳитга, миллий эҳиёжга мослаб қайта яратади.

Худди шу жараёнда миллий маданиятлар орасида ўхшашлик юзага келади. Дунё халқлари орасида, хусусан Ғарб ва Шарқ халқлари орасида антик даврдан кейин ўрта аср бошларида вужудга келади. Хусусан 9-12 асрлардаги Ғарбу-Шарқ маданий алоқалари таъсирида ўрта аср Европа ҳурфикрлиги ва Ренесанс уйғониш даври маданияти шаклланди. Бунда шарқ фалсафаси, илми ва маданияти катта ўринни эгаллайди. Яқин шарқдаги халифалик шароитида вужудга келган ҳурфикрлилик ва фалсафий таълимотлар роман халқлари, хусусан Италия, Франция.

Испанияда истиқомат қиладиган халқлар орасида кенг тарқалиб, уларни манавий юксалишига таъсир ўтказди ва бу ҳолат яъни Шарқдан Европага кўчган ҳурфикрлилик Ғарбда материалистик фалсафанинг шаклланишига шароит яратиб берди. Ғарб халқлари маданий тараккиётига Ғарбий Европада рўй берган маданий, ижтимоий юксалишда ўзбек халқи ҳам ўзининг камтарин хиссаси билан иштирок этишга муяссар бўлган. Фанда исбот этилган далилларга кўра исломлашиш даврида, яъни араб истилоси вақтида араблар ипак йўлининг марказида жойлашган Ўрта Осиёга юриш қилганларида бу ҳудудда ўзидан кўра маданиятлироқ халқларга дуч келдилар ва бу маданий мойиллик Араб халифалигига кўчириб ўтказилди ҳамда Ўрта Осиёнинг буюк илм – фан соҳиблари Арабистонга мажбуран олиб кетилди. Шу тарихий жараёнда араб тили босиб олинган халқлар маданиятига мажбуран сингдирилди ва барча халқлар қатори ўзбек мутафаккирлари ҳам араб тилида ижод қилишга мажбур бўлди. Ана шу тарихий жараён тақозасига кўра буюк ўзбек олимлари Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Фаробийлар Европага дастлаб араб қиёфасида кириб борди. Уларнинг асарларининг араб тилида яратилганлигининг Европада уларнинг миллий мансублиги араб деган фикрларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Ундан кейинги Ғарб – Шарқ алоқаларининг тарихида Европа маданиятига самарали таъсир ўтказган алоҳида бир давр бу – Мавороуннаҳрда Улуғбек ҳукмронлик қилган даврдир. Унинг ҳомийлигида Қозизода Румий, Али Қушчи, Журжоний, Тафтазоний каби олимлар илмий мероси кейинги давр Европа маданиятига кучли таъсир ўтказди. 15 – асрнинг 2 – ярмига

келиб Осиё маданият маркази Хиротга кўчди. Ана шу даврда ижод этган Жомий ва Навоий ҳамда Шарқ Рафаэли деб ном олган Бехзод ижоди дунё маданияти тарихида ўлмас из қолдирди ва бу Шарқу – Ғарб маданий алоқалар тарихида алоҳида бир бўғинни ташкил этди. Ғарбий Европада миниатура санъатининг шаклланишига Бехзод қўшган улуш, у кўрсатган кучли таъсир Шарқ ва Ғарб илм тарихида бугунги кунда рўй-рост тан олинган. Турли минтақаларда яшайдиган миллатларнинг ўзаро муносабатлари туфайли адабий, сиёсий, дипломатик, иқтисодий алоқалари сабали қадимги даврларда бошлаб ҳали нашриёт китобат ишлари йўлга қўйилмасдан бурун бир миллат 2 чи бир миллатнинг миллий ёки адабий меросини қўлёзма ҳолда ўз мамлакатига олиб ўтказишга муваффақ бўлган. Кейинчалик жаҳон халқлари миллий адабиётларида ўхшаш ёки бир хил сюжетдаги асарлар пайдо бўла бошлади. Масалан, 1500 йиллардан бошлаб Германия, Франция, Англия, Испания ва Италияда шарқ мумтоз адабиётининг йирик вакили А.Навоийнинг асарлари қўлёзма ҳолда тарқала бошлаган. Унинг асарлари ҳатто Ғарб олимлари Жан Руссо, Регель, Ҳаммер, Крафт ва бошқа шу каби ўнлаб шарқшуносларининг шахсий кутубхонасида мавжуд бўлган. Булар «Хайратул-аброр», «Фарход ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» ва бошқа шу каби асарларининг қўлёзма шакли Европа маданий марказларида рўйхатга олинган. А.Навоий асарлари Ғарбда қўлёзма тарзида кенг тарқалиши Ғарб мухитида айнан А.Навоийнинг асарларига ўхшаш асарлар яратилишига сабаб бўлди.



## **1.2. Ҳозирги замон ғарб мамлакатлари ва ўзбек ижтимоий – сиёсий муносабатларига бир назар**

Дунёдаги ҳар бир халқ ўз одати, анъаналари ва маданиятига эга. Маънавий маданиятнинг ажралмас бир қисми бўлган адабиёт ҳам шулар жумласига киради. Адабиёт – ҳаёт кўзгуси яъни бу халқнинг орзу умидлари, ўй ҳаёллари ва турмушдаги реал воқеъликларни ўзида акс эттирган бебаҳо хазинадир. Ўзбекистон ва Германиянинг адабий алоқалари – икки қардош халқни тенгликка асосланган серқирра алоқаларининг муҳим саҳифаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Адабий ва маданий алоқалар ва уларнинг халқларни яқинлаштиришдаги роли қандай? Ҳеч кимга сир эмаски, адабий ва маданий алоқалар – ўз–ўзидан халқларнинг маънавий хазинасининг бойишида асосий манба бўлиб ҳисобланади. Европанинг, жумладан олмон халқининг адабий меъросини ўрганиш ва тадқиқ қилиш биз учун қанчалик мароқли ва фойдали бўлса аждодларимизнинг бизга қолдирган бебаҳо маънавий мероси Европаликлар учун ҳам шундай аҳамиятга эгадир. Бу алоқалар тарихига назар ташлар эканмиз, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Европада Ўрта Осиё адабий меросини ўрганилиши анча узоқ даврларга бориб тақалганининг гувоҳи бўламиз. Ўрта Осиёда эса бу ишлар асосан XX асрнинг 20 йилларида жадиждлар томонидан йўлга қўйилди ва ривожлантирилди. Шу йилларда яшаб, фаолият кўрсатган Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитратларнинг бу борадаги олиб борган ишлари албатта диққатга сазовар ва таҳсинга лойиқдир. Жумладан юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Абдурауф Фитратнинг “Ҳинд ихтилочилари” асари

1923 йил Берлинда нашр қилиниши ҳам бу алоқаларнинг ривожланишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Агар жаҳидлик ҳаракати Собиқ Совет Иттифоқи томонидан барҳам берилмаганда эди, бу борада жуда кўп кенг кўламли ишлар амалга оширилган бўлур эди. Зеро жаҳидлар бошқа халқларнинг илми, жумладан адабий меросини ўрганиш орқали халқимизнинг маънавий онги ва маданиятини юксалтириш ва шу йўл билан юксак тараққий этган, озод ва обод давлат қуришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган эдилар. Ўзбекистон Собиқ СССР таркибида бўлган даврлардаги адабий алоқалари ҳақида тўхталадиган бўлсак бу даврда кўпгина немис ёзувчилари асарлари асосан рус тилидан таржима қилинди. Бунга мисол қилиб Эркин Воҳидов томонидан Иоганн Вольфганг Гётенинг “Фауст” асарини ўзбек тилига таржима қилинганлигини кўрсатишимиз мумкин.

Ўзбекистон истиқлолга эришгандан сўнг икки давлат ўртасидаги адабий ва маданий алоқалар яна ҳам юқори ривожланиш босқичига кўтарилди. Истиқлолнинг ўн олти йили давомида жуда кўп таҳсинга сазавор ишлар амалга оширилди. Мен шу ўринда адабий алоқаларнинг ривожланишида олмон тили мутахассислари филолог ва таржимонларнинг тутган ўрнини алоҳида таъкидлаб ўтишни истар эдим. Шу йилларда таржимонлар томонидан олмон адабиёти етук вакилларининг дурдона асарлари ўзбек тилига таржима қилинди. Жумладан таржимон Мирзаали Акбаров томонидан машҳур олмон ёзувчиси Херманн Хессенинг “Чўл бўриси” (Der Steppenwolf) асарини ўзбек тилига таржима қилиши ҳам икки халқ адабий алоқалари тарихидаги муҳим воқеа бўлиб

ҳисобланади. Бу асарнинг ўзбек тилига таржима қилиниши олмониялик мутахассислар томонидан жуда катта хурсандчилик билан қабул қилинди. Жумладан Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонасида хизмат қилувчи мутахассис (атташе) Рабан Рихтер асар таржимаси ҳақида қуйидаги фикрларни билдириб ўтди: “Асарнинг халқаро миқёсда қабул қилиниши ҳамда оламшумул аҳамияти нуқтаи назаридан унинг ўзбек тилига илк бор таржима этилиши ўзига хос маданий воқеадир: биринчидан, ўзбек китобхони учун нафақат олмон адабиёти, балки жаҳон адабиётига ҳам мансуб мумтоз асарлардан бири билан ошно бўлиш, қолаверса Херманн Хессенинг руҳий маънавий дунёси, шунингдек, унинг ижоди билан яқиндан танишиш имкони туғилди.

Яна бошқа тарафи ҳам борки, ёш навқирон ўзбек ўқувчилари ғарб ва шарқ ғоялари билан суғорилган, улар ўртасидаги чамбарчас алоқаларни ўзида мужассамлаштирган ушбу асар мутоаласи чоғида олмониялик, шунингдек, европалик ёшлар маданияти билан ҳам танишадилар.” Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Европаликларнинг қолаверса Олмонияликларнинг Ўрта Осиёга, унинг маданиятига бўлган қизиқишини ортишида Амир Темур шахсиятининг тутган ўрни ҳам каттадир. Чунки бутун Европа Амир Темурни усмонийлар Туркияси истилосидан қитъани сақлаб қола олган халоскор сифатида билади. Шу сабабли Амир Темур шахсиятини ўрганишга бўлган интилиш ва ҳаракатлар ҳозирги кунда ҳам давом этиб келмоқда. Жумладан 1996 йил 27-29 /IX/ кунларида Самарқанд шаҳрида Конрад Аденауер ва Самарқанд шаҳар ҳокимияти ҳомийлигида ўтказилган ва “Амир Темур:

шахсини замондошлари томонидан баҳоланиши ва фаолиятининг мустақил Ўзбекистон учун аҳамияти” деб номланган халқаро симпозиумда нафақат Темур ва Темурийлар даврининг сиёсий ҳаёти балки бу даврдаги адабиёт, маданият ва санъат бўйича тадқиқот натижалари эълон қилинди. Ушбу симпозиумнинг ўтказилган бошқа халқаро симпозиумлардан алоҳида ажралиб турадиган фарқи шундаки, ушбу тадбирда бутун дунёга машҳур Хиротдаги Бойсунғур мирзо томонидан ташкил этилган хаттотлик мактаби ҳақида маълумотлар эълон қилинди. Зеро ушбу мактабда кўчирилган асарлар Европада катта қизиқиш билан ўрганилган ва қадрланган. Чунончи, симпозиум қатнашчиси – Россия Фанлар академиясининг академиги Санкт-Петербург университети форс бўлими мудири профессор Акимушкин ўзининг “Бойсунғур мирзо – санъат ҳомийси, сиёсатчи ва жангчи” номли маърузасида куйидаги маълумотларни келтиради: Амир Темурнинг набираси, Шохруҳ мирзо ва Гавҳаршод оғанинг 3-ўғли Ғиёсиддин Бойсунғур мирзонинг шахси (15.07.1397 – 19.12.1433) маҳаллий шарқшуносларда қизиқиш уйғотмаган, улар ўзларининг тадқиқотларида Бойсунғур мирзога унчалик эътибор қилмаганлар. Бироқ Темурийлар авлодининг иккинчи вакили бўлмиш бу серғайрат ва қобилиятли инсоннинг XV асрнинг 1 ярмида Эрон маданияти, қолаверса ўрта аср шарқ маданияти тарихига кўшган хиссаси шундай аҳамиятли ва ёрқинки, мумтоз форс адабиёти ва ўрта асрлар маданияти ва санъатига тарихчилар эътибор бермасликлари мумкин эмас эди ва улар Бойсунғур фаолиятининг

айнан шу қиррасига мурожаат қилганлар.<sup>1</sup> Тахминан 823/1420 йилда Бойсунғур мирзо сарой қошида кутубхона ташкил қилди ва кейинчалик уни кенгайтирди. Ўша вақтларнинг андозалари бўйича бу кутубхона жуда улуғ жой бўлиб, у айнан Темурга хос кўламда ташкил қилинган эди. Бу ерда фаолият кўрсатган усталардан 17 хил рўйхат бизгача етиб келган ва улар дунёнинг турли мамлакатларида сақланмоқда. Шуниси маълумки, XV аср 20 – йилларининг охирларида бу ерда 5 та хаттот, 2 та миниатюрочи ва нақш услубини махсус ишлаб чиқадиган 2 та уста, ҳаммаси бўлиб 25 киши ишлаган. Симпозиумнинг бошқа иштирокчилари ҳам Темур ва темурийлар даври санъати ва адабиёти ҳақида қимматли маълумотларни бердилар. 1997 йил Тошкентда халқаро симпозиум ҳақидаги китоб нашр қилинди. Бундан ташқари истиқлол йилларида адабий алоқаларнинг ривожига муҳим хисса бўлиб қўшилган воқеалардан бири шубҳасиз Учқун Назаровнинг “Чаён йили” (das Jahr des Skorpions) асарининг Ингеборг Балдауф хоним томонидан олмон тилига ўгирилиши ва нашр қилиниши бўлди. Асар олмон китобхонлари томонидан жуда илиқ қарши олинди. Бу асар орқали олмон китобхонлари ўзлари учун ўзбек халқининг турмуш тарзи, маданияти, урф-одатлари, менталитети ҳақида янгидан янги маълумотларга эга бўлдилар. Юқорида келтирган мисолимизнинг ўзи ҳам халқларнинг яқинлашувида адабий алоқаларнинг роли қанчалар муҳим эканлигининг исботидир. Асар муаллифи Учқун Назаров Олмонияга таклиф қилинди ва ушбу

---

<sup>1</sup>А.Акимовский “Бойсунгур мирзо - санъат хомийси,сиёсатчи ва жангчи. Амир Темур шахсининг заминдошлари томонидан баҳоланиши ва фаолиятининг Мустақил Ўзбекистон учун аҳамияти” китоби. Тошкент 1997

китобнинг олмон тилига нашр қилинганлигига бағишлаб матбуот анжумани ўтказилди.<sup>1</sup>

Мен яна шу ўринда истиқлолнинг 16 йили давомида икки давлат ўртасидаги маданий алоқалар соҳасидан олиб борилган ишлар хусусида ҳам тўхталиб ўтишни истар эдим. Тарихий нуқтаи назардан қисқагина муддат ҳисобланган шу 16 йил давомида маданий алоқаларни янада ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Масалан: Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатувчи халқаро Гёте институти ва бир қанча немис илмий жамғармалари, шунингдек, Давлат ва жамият қурилиш академияси, ўзбек театрлари томонидан ташкил этилган илмий анжуманлар, адабий суҳбатлар ва ҳар хил мавзудаги кинофильмлар намоишини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Жумладан 2006 йил 2 май куни Ўзбекино Д.А.Ж. ва Ўзбекистон маданият ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда пойтахтнинг Чилонзор туманида жойлашган “Гагарин” кинотеатрида ёш режиссёрлар учун Марказий Осиё фильмлари фестивали доирасида ўтказилган немис қисқа метражли фильмларнинг намоиши бўлиб ўтди ва бу фильмлар томошабинларда катта таассурот қолдирди. Шу йилнинг 23 май кунида эса ЎзДЖТУ олмон филологияси факультети билан ҳамкорликда ўтказилган учрашувда Олмониялик сиёсат фанлари доктори Иоахим Гаук. “Тарих ва ўзликни англаш, Ўзбекистон ва Германия 20 асрда” мавзусида маъруза қилди ва талабаларнинг бу борадаги саволларига жавоб берди. Бундай кўргазмалар, кинофильмлар ва учрашувлар нафақат Тошкент шаҳрида, балки

---

<sup>1</sup> Д.Рашидий “Жахон адабиёти”

бошқа вилоятларда ҳам ўтказилди. Жумладан Москвадаги “Friedrich Neumann” жамғармаси билан ҳамкорликда олмон ёзувчиси Г.Э.Лессингнинг “Донишманд Натан” (Nathan der Weise) номли асари сахналаштирилди ва 2006 йилнинг 11 апрелида Фарғона вилоятининг актёрлар уйида, 13 апрел куни эса вилоятнинг Марғилон шаҳридаги медицина коллежида намойиш этилиб, мухлислар эътиборига ҳавола этилди. Ўзбекистон ва Германиянинг истиқлол йилларида санъат соҳасидан маданий алоқалари ҳам шу йилларда яна ҳам юқори босқичга кўтарилди. 2006 йил 12 сентябрдан 12 октябргача давом этган “Макс Ernst”, “Bücher und Grafiken” номли кўرғазмада француз-немис рассоми, графикачиси, сюрреализмнинг энг кўзга кўринган намоёндаларидан бири Макс Эрнстнинг тасвирий асарлари ҳақида кўрғазма иштирокчиларига маълумотлар берилди ва рассом ижодиёти ҳақида фильмлар намойиш этилди.

Жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиб бораётган мустақил ватанимиз бошқа алоқалар билан бир қаторда илмий алоқаларни ҳам ривожлантиришга алоҳида эътиборини қаратмоқда. Ҳар томонлама ривожланган давлатни шакллантириш учун жаҳон давлатларининг давлатчилик соҳасидаги тажрибаларини ўрганиш жуда ҳам муҳим ва зарур. Шу мақсадда Ўзбекистон Давлат ва жамият қурилиши Академияси, Франция Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ва Гёте институти ҳамкорлигида олмон-француз семинари ташкил қилинди. Семинар қуйидаги мавзуларни ўзида қамраб олган эди.

1. Европа иттифоқи: структуралар ва тараққиёт (Die Europäische Union: Strukturen und Entwicklungen)
2. Европа иқтисодий ва Валюта иттифоқи - Европа иттифоқининг ижтимоий соҳадаги муваффақиятлари тарихидир (Die Europäische Wirtschafts - und Währungsunion - eine Erfolgsgeschichte für die EU auch in sozialer Hinsicht)
3. Европа иттифоқи ҳуқуқий ҳамжамият сифатида (Zur Einheit des Europäischen Gemeinschafts rechts)

2006 йилнинг муҳим воқеаларидан бири сентябр ва октябр ойларида GTZ, Тошкент рассомлар уйи, Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ва Тошкент халқаро Гёте институти кўмагида ўтказилган “Биз севамиз – бизни севишади” номли халқаро фотосуратлар кўرғазмаси бўлиб ҳисобланади. 2006 йилнинг 12 декабридан 17 декабргача Тошкент шаҳридаги киночилар уйида олмон кинофильмлари ҳафталиги ўтказилди. Унда олмон маданий ҳаёти, анъаналари, турмуш тарзи акс эттирувчи фильмлар намойиш этилди.

Тарих ва ўзликни англаш борасидаги Ўзбекистон ва Германия тажрибаси номли 2005 йил 10 майида Тошкентдаги Жаҳон иқтисодиёти ва Дипломатия Университетида бир кунлик конференция ва шу конференция доирасида семинарлар ўтказилди. Бу ҳам Ўзбекистон ва Германия маданий алоқаларининг ривожига янги кадам бўлди. 2005 йил май ойида шу конференция ва семинарлар ҳақида Uwe Gartenschläger, Dr. Günter Gristiane, Hans Kaiser, Matthias Klingenberg, Dr.Reinhard Krumm мухаррирлиги



остида китоб нашрдан чиқарилди. Ушбу конференциянинг иштирокчилари томонидан эълон қилинган маълумотларнинг айримларини мисол тариқасида келтирмақчимиз. Жумладан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида фаолият олиб борувчи олмониялик мутахассис Stefanus Schmitz нинг маданият ҳақидаги фикрлари қуйидагича:

“Маданият – ўзлик термини билан бирга глобаллашув микёсида ўзгариш жараёнларини тасвирловчи марказий терминга айланган ва Хердернинг фикрича, “маданият характер кўрсаткичи ва у ёки бу халқ ёки миллатнинг “борлигидир”. Халқ маданияти унинг борлигини гуллаб яшнашидир.” Маданият органик бутунлик ҳисобланиб, у тил, қабул қилиш, институтлар, фикрлаш, мусиқа “маҳсулотлари”, санъат, архитектура ва бошқалардан ташкил топган деб ҳисобланади.<sup>1</sup>”

Яна шу ўринда кейинги 20-30 йил ичида олмон тадқиқотчилари томонидан Шарқ адабиётини ўрганиш бўйича олиб борилган ишларга ҳам тўхталиб ўтмоқчимиз. Жаҳон адабиёти журналининг 1998 йил февраль ойига бағишланган сонида филология фанлари номзоди доцент Шавкат Каримов томонидан эълон қилинган “Эътироф ва эътиқод.” Адабиётимиз немис тадқиқотчиси талқинида номли мақолада бу ҳақда қуйидаги маълумотлар келтирилган: Кейинги 20-30 йил ичида Германияда ўзбек адабиётини ўрганишга бағишланган бир қатор тадқиқотлар эълон қилишди. Уларнинг бир қисми Собиқ Совет андозаси қолипидеги

---

<sup>1</sup> Ш.Шмитц. Ўзлик, маданият ва анъана сўзлари ҳақида тушунча. Тарих ва ўзликни англаш. Ўзбекистон ва Германия тажрибаси-Тошкент 2005.

ёзувчилар ёзган “шаклан миллий мазмунан социалистик” асарлар тадқиқ этилганини кўрамиз.

Ғарбий Германияда чиққан илмий китоблар эса Ўзбекистонда бир вақтлар қатағон этилган адиблар – А.Қодирий, А.Фитрат, А.Чўлпон каби ижодкорлар асарларини ўрганишга бағишланган Берлинлик доктор Зигрид Клайнмихел хоним Германия илмий жамоатчилиги орасида ўзбек адабиётининг билимдон тарихчиси ва тадқиқотчиси сифатида эътироф этилган олималардан Жумладан олиманинг “Шарқ ижодий анъаналарига оид” деб номланган асари айна пайтда Виесбаденда туркшунослик тадқиқотлар мажмуасининг 8-жилди сифатида шунингдек Можаристон шарқ кутубхонаси сериясининг 39-китоби тарзида сақланган<sup>1</sup>. Салкам 300 саҳифадан иборат кўп йиллик изланишлар маҳсули бўлган бу асар 1910-1934 йиллар ўзбек драмаси ва насри тадқиқотига бағишлангандир. Бундан ташқари муаллиф “Ёшлик” журналининг 1988 йил февраль ойидаги сонида ўзининг “Жаҳонгашта шеърят” номли мақоласини эълон қилди. Унда Навоий ижодининг Европа тўғрисида Германияда ўрганилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган: XVIII асрнинг 2-ярми XIX асрнинг бошларига келиб, Навоий асарлари Европа мамлакатларида кенг шухрат топди. Навоий ҳаёти ва ижодига оид илмий мақолалар эълон қилинди. Шоир асарлари немис, француз ва инглиз тилларида чиқа бошлади. Хермани Вамбери “Маҳбуб-ул қулуб” нинг кириш қисмини, “Фарҳод ва Ширин” нинг айрим бобларини, бошқа асарлардан парчаларни немис тилига таржима қилди. А.Вамбери Ўрта Осиёга

---

<sup>1</sup> Ш.Каримов “Эътироф ва эътикод”, “Жаҳон адабиёти”, 1998 №2  
Яна шу авторнинг “Жаҳонгашта шеърят” мақоласи “Ёшлик” 1988 №2

қилган саёҳатида Навоий ҳақида қуйидаги фикрларни баён қилган: “Энг буюк шоир Навоийни ҳамма ерда билишади. Навоий жуда кам дунёга келадиган шеърият даҳосидир. У жуда маҳсулдор шоир, ўзидан кейин шеърият, тарих, ахлоқ ва мантиққа оид 32 та алоҳида асар қолдирган.” Европалик шарқ адабиёти мухлислари А.Х.Вамберининг “Чиғатой улуси бўйича дастур”, француз П.Д.Куртейлнинг “Турк-шарқ луғати”, Зенкернинг “Турк-араб-форс луғати” ва Ч.Ръёнинг Британия музейида сақлатаётган “Турк қўлёзмалари каталоги” орқали буюк Навоий асарлари билан танишганлар. Шу тариқа Алишер Навоий асарлари жаҳоннинг бошқа сўз заргарлари сингари шарқ ва ғарб маънавий дунёсини бойитишга, хорижий мамлакатлар адабиётшунослигида навоийшуносликнинг вужудга келишига сабаб бўлди.

### **1.3. Ўзбекистон немисзабон мамлакатлар оммавий ахборот воситалари нигоҳида**

Тарихий манбаъларда, Европада турли асрларда чоп этилган нашрларда Мовароуннаҳр, Трансаксония атамалари билан таниқли бўлган ҳудуд ҳақида, бу ҳудудда истиқомат қилган халқлар турмуш тарзи, маданияти, давлатчилиги тўғрисида турли соҳа илмлари намоёндалари кўп ва хўб ёзишган. Юртимиз ва юртдошларимиз ҳақида битилган асарларни тарихий хронологик тараққиётда кузатадиган бўлсак, Геродотдан тортиб, Йоханнес де Плано Карпини (1245 йиллар), Марко Поло, Граф фон дер Паален, Клавихо, Вамбери, XX асрда Марказий Осиё сафарида бўлган Э.Э.Киш, Х.В.Рихтер, Р.Крист, К.Пандер ва кўплаб бошқа сайёх-

журналист ва ёзувчилар юртимиз ҳақида минглаб саҳифаларни битганлари ҳурматга лойиқдир. Гарчи бу битикларнинг ҳаммасини холисона нуқтаи-назарлар деб аташ мушкул бўлса ҳам, уларнинг аксариятидан ўзлари қадам ранжида қилган мамлакат ҳақидаги ҳайрат ва эҳтиромларини англаш қийин эмас. XIX асрда Европа тадқиқотчилари ва сайёҳлари томонидан қайта кашф этилган “Буюк ипак йўли” ўз жозибadorлигини бугунги кунда ҳам йўқотган эмас. У ҳозирги пайтда ҳам европаликлар тафаккурида хуржунлари тўла зебу зийнат ортган карвонлар, сарҳад билмас саҳролар, чўл кенгликлари, баланд тоғларга пешвоз чиқадиган воҳалардаги бой шаҳарлар гумбазлари тасаввурларини беради.

Эрамизгача бўлган иккинчи асрдан 7000 километр масофани ташкил этган Рим империясини Хитой билан боғлашга хизмат этган савдо йўллари зебу зийнат ашёлари ва асосан ипак билан савдо қилишга мўлжалланган бўлиб, диний, маданий ва бадиий ғояларни тарқатиш ва тарғиб этишга хизмат қилган. Қадимий ва навқирон Ўзбекистон ўзининг кўҳна шаҳар маданияти марказлари - Бухоро, Хива, Самарқанд, Қўқон, Марғилон, Андижон, Фарғона ҳудудлари билан Буюк ипак йўлининг марказий ўлкаси ҳисобланади. Шу боис Германиядаги Штутгарт Линден музейи Шарқ бўлими мудир, профессор, доктор Йоханнес Кальтер ва шу музей ходимаси доктор Маргарет Повалой ноширлигида ЮНЕСКО ва Даймлер - Бенц акционерлик жамияти (Германия) хомийликларида Штутгарт, Лондон, Берлинда чоп этилган салкам 400 саҳифали китоб “Ипак йўли меросхўрлари” рукни остида “Ўзбекистон” тўпламини 1995 йилда немис ва 1997 йилда рус

тилларида эълон қилганликлари иззат-у-икромга лойиқдир.<sup>1</sup> Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов қутлови билан очиладиган камровли китобнинг “Қадимий ипак йўли” боби эрамизгача 4 асрдан то янги 8-асрларигача бўлган даврини, „Ислом даврида Марказий Осиё” 8-15 асрлар оралиғини, “Туркистон ўзбек хонликлари даврида” боби, 16-20 асрларга дахлдор воқеаларни ва сўнги “Ўзбекистон” қисми Чор Россияси томонидан босиб олинган даврдан то мустақилликни эълон қилинишигача бўлган мухлатни ўз ичига олади. Китобни тайёрлашда Берлин ва Штутгарт, Тюбинген ва Фрайбург, Бонн ва Халле каби шаҳарлар университетларининг қадимшунос ва шарқшунос олимлари - К.Й.Брандт, Й.Кальтер, А.Фон Гладис, К.Рюрданц, Г.Хельмеке, Х.Хальм, Й.Штадельбауэр, А.Шиммел каби 20 дан ортиқ тадқиқотчилар фаол қатнашганлар. Эрамизгача 4 асрдан 8 асргача худудимиз санъати ва маданияти тарихи учта йирик бўлимда ёритилган. Эрамизгача 4 асрдан ислом фатҳи бошланган 8 асргача Трансаксония бўлимида Буюк ипак йўлининг савдо ва қўшни худудлар билан маданий алоқалар ҳақида сўз юритилган. Китобнинг иккинчи бўлимида Ўрта Осиёнинг ислом фатҳидан то Темурийлар империясининг парчаланишигача бўлган даврда (8-16 асрлар) маданий ва сиёсий ҳокимият маркази сифатидаги мавқеини баён этишга бағишланган. Навбатдаги бўлим “Хонликлар замонида Туркистон” (16-20 асрлар) деб номланган. Тарих ва ўзаро географик алоқаларни тасвирлашда муаллифларнинг меъморчилик, китобат санъати ва мазкур худуднинг фавқулудда бой тўқимачилик

---

<sup>1</sup> Uzbekistan. Die Erbe der Seidenstraße. Stuttgart, London, Berlin 1995  
Узбекистан, Наследники шелковой пути. Штутгарт, Лондон, Берлин 1997

маданияти, шунингдек, исломий санъатларнинг кичик шаклларига бағишланган мақолалари ҳам киритилган. Жойлашувига кўра Ўрта Осиё, Евросиё минтақасининг марказида бўлганлиги боис, савдогарлар, элчилар, миссионерлар ва сайёҳлар учун бу ҳудуд кўналға вазифасини ўтаган. Бу ҳудуд тарихи билан фотиҳ Искандар, мўғул ҳукмдори Чингизхон, Амир Темур номлари чамбарчас боғлиқдир. Ҳар икки жаҳонгир ўз ҳарбий юришларини Шарқнинг кўз илғамас кенгликларидан бошлаганликлари ва буюк империялар барпо этганликларини қайд этиб, китоб муаллифлари бу ҳудудда ўша даврда санъат ва савдо гуллаб-яшнаганлигини таъкидлайдилар. “16 асрдан -, деб ёздилар китоб муаллифлари - мазкур минтақа сезиларли изоляцияда қолиб кетган. Аммо хонлар саройларида то 20 аср бошларигача темурийлар анъаналари давом этган. Мазкур ҳудуд шаҳарларида турли дин, тил ва маданиятларни учратиш мумкин эди. Даштли кўчманчилар ва ўтроқ аҳоли ўртасида доимий тажриба алмашувлари бўлиб турган ва натижада мазкур ходисалар синтези ўзига хос катта таъсир кучига ва жозибадорликка эга бўлган бетакрор маданият яратилган”<sup>1</sup>. Мазкур ҳудуд маданияти тарихий матнлар билан бир қаторда кўргазмали материаллар, археологик топилмалар ҳамда Ўзбекистон ва Европа музейлари, шунингдек, хусусий коллекциялардан йиғилган ва илк бора эълон қилинаётган этнографик экспонатлар билан бойитилган ва жамоатчиликка тақдим этилган.

---

<sup>1</sup> Uzbekistan. Die Erbe der Seidenstraße. Stuttgart, London, Berlin 1995

Германиядаги “Ферлаг дер Национ” нашриёти чоп этган Хоральд Вессельнинг “... Ва”, “оқ олтин шохчаси” номли репортажлар китоби немис китобхонлари томонидан қизгин кутиб олинди. Документалист-публицист Хоральд Вессель принципиал, ўз қаҳрамонининг орзу ва армонлари, қувонч ва ташвишлари билан яшай олувчи киши. Акс ҳолда санъаткор хаёлпарастга, уйдирмачига айланиб қолиши турган гап. Ёзилган ва ёзилажак материални ўз шахсий тақдирида синаб кўриш, халқ номидан гапиришдан олдин, халқ билан бирга бўла олиш, унинг орзуларини ифодалаш, ҳозирги замон публицистининг ахлоқий бурчи ҳисобланади. Хоральд Вессель ўзининг Ўзбекистон ҳақидаги “... Ва”, “оқ олтин шохчаси” номли очерклар тўпламида Шарқ фольклори ва адабиётининг образ ва поэтик услубларидан фойдаланиб персонажларнинг тилларини индивидуаллаштиради, табиатни гўзал тасвирлайди, уларни ҳаётининг деталлар билан бойитади - буларнинг ҳаммаси ёзувчи очеркларига ёрқин ва ранг-баранг колорит баҳш этади:

“Тошкентдан Берлинга нима совға олиб борсам экан. Самолётга олинадиган юкнинг ҳам чегараси бор-ку, ахир. Нима қилсам экан? Ўзбекларнинг тарихи бир жаҳон бўрсилдоқ нони ёки бу юртнинг ажойиб ижодкор кишилари ҳақидаги китобларни олиб борсаммикин? Инсоният учун ҳар иккиси ҳам зарур. Ҳамроҳим мени тинчлантиради. Самолётимиз Берлинга парвоз қилгунга қадар ажойиб ўзбек эртагидаги сеҳрли кўзани топсакчи. Афсонада ҳикоя қилинишича бир умр фарзанд доғи ва камбағаллик белларини буккан ғариб бир ўзбек хонадонидан армонлари ушалиб, фарзанд

дунёга келади. Бундоқ қарасалар чақалоқ ўрнига сопол кўзача туғилганмиш. Ғам-андух чеккан ота кўзани чилпарчин қилмоқчи бўлиб турганида ғаройиб кўзачадан овоз эшитилади:

– Отажон, айбим нима? Сизлар бирор нарсани мендан илтимос қилдингиз-у, мен бажармадимми?

Буни эшитган ота ғайри-табиий фарзандини бой хизматига - бир парча нон учун йўллайди. Хизмат эвазига атиги кўзача тўлгунча дон-дун сўраган кўзани бой қаролликка олади. Афсонада ҳикоя қилинишича бой қазноғидаги барча дон ҳам тубсиз кўзани тўлдира олмаган эмиш. Асрлар давомида меҳнаткаш халқ бир парча нонга муҳтож бўлиб келган. Эксплуатация қилинувчилар учун Тошкент ҳеч қачон “нон шаҳри” бўлмаган. Шу боисдан халқ ўз орзу-армонларини ҳикоя ва ривоятларга жойлаганлар.

Тошкентдаги адабиёт музейида Алишер Навоийнинг йигирмадан ортиқ тилда битилган қўйидаги сатрларига кўзим тушди:

Олам аҳли билингизким, иш эмас душманлиғ,

Ёр ўлинг бир-бирингизгаки эрур ёрлиғ иш.

Харальд Вессельнинг Ўзбекистон ҳақидаги ҳаяжонли сатрларини жамлаган “... Ва”, “оқ олтин шохчаси” китоби унинг ижодида муҳим ўрин тутди. Мазкур асарнинг немис китобхонлари томонидан илиқ кутиб олинганлиги хориж воқелиги ҳақида ёзилган асарлар ичида мукофотга сазовор бўлганлиги ҳам бежиз эмас.

“Deutschland” “Германия” журналининг муҳаррири Лютц Дитце мазкур журналда эълон қилган “Пахтадек мусаффо, самодек бепоён” номли очеркида қўйидагиларни ёзади:



– Ҳали Тошкент тупроғига қўнганимизга 5 соат бўлар-бўлмай, бу ерлик икки талаба Флора ва Сайёранинг Хайнрих Хайне ҳақидаги баҳсига тортилишга улгурдик. Тиниқ, само гумбази остида, бир-биримизга навбат бермай “Германия”, “Қиш эртаги ” дан сатрлар айтар эканмиз, соф немис тилида, ўзбек талаффузида қулоғимизда жаранглаётган буюк шоир тўртликлари бизни қайтадан ўзига ром этарди:

Янги қўшиқ, гўзал қўшиқни  
Дўстлар сизга этай армуғон  
Бунда қутлуғ заминимизда  
Бунёд этсак жаннатдек бўстон.

Шу пайт суҳбатдошларимизга эътироз билдирдик:

– “Дихтен” ва “эррихтен” эмас. “Зинген” ва “Эрринген” - дир.

Баҳсимизни Хайне шеърларининг оригинал жилди 21 ёшли Флора ва унинг тенгдоши Сайёра фойдасига ҳал этди. Биз эса ўз мағлубиятимизни ошқор тан олдик. Очиғини айтганда, муддаомиз Хайне ҳақида баҳслашиш эмас, Ўзбекистон билан танишиш эди-ку! Ахир немис адабиёти классиги асаридаги бир жуфт сўз таҳлилидаёқ, Ўзбекистон намоён бўлмаяптими?! Ахир бунинг замирида Шарқнинг мўжизакор эртаклари ҳам ип эша олмайдиган маданий-социал тараққиёт ётибди-ку!”

Дрездендаги “Цайт им Бильд” нашриёти немис, инглиз, рус, француз, испан ва араб тилларида немис журналистлари ва ёзувчиларининг МДХ мамлакатлари халқлари ҳаётдан ҳикоя қилувчи очерк ва репортажлар тўпламини кўп сонли китобхонлар

хукмига хавола қилган. Мазкур тўплам билан танишган китобхон юртимиз кишиларининг ибратли ва тўлқинлантирувчи тақдирлари билан ошно бўлади. Китоб муаллифлари ҳаётимизнинг қайси соҳасига қалам урмасинлар, халқларимиз ўртасидаги муносабатларга хос характерли томонларини илғашга ҳаракат қилиб, дўстликнинг фахр ва ғурурини ифодалаганлар. Шу боисдан тўплам “Дўстлар нигоҳи билан” дея номланган. Тўпламдаги очерклардан бири “Ўзбек театрининг қироличаси” деб аталган бўлиб, у Хорст Голдшмидт қаламига мансуб. Ушбу ҳаёжонли очеркда муаллиф қадимги Грецияда Софокл томонидан яратилган “Шох Эдип” нинг фожиавий ҳаётини Тошкентда ажойиб санъаткорлар ижросида тамоша қилишга муяссар бўлганлигидан бахтиёрлигини ёзади. “Ҳайрат ва ҳаёжоннинг гуноҳкори” йирик трагик актриса – Иокаста ролининг ижрочиси Сорахоним Эшонтўраева бўлганлигини, унинг овозидаги мусиқийлик ва ўзига хос жарангдорлик уни ром этганлигини китобхонлар билан ўртоқлашади.

Хорст Голдшмидт ўзбек актрисаси тимсолида миллий театрнинг илк қадамлари, шаклланиш жараёни, театр репертуарлари ҳақида батафсил ҳикоя қилади. Ўзбек театрининг қалдирғочлари миллий маданиятга қанчалик ихлос билан қараб, унга боғланган бўлмасинлар, рус ва ғарбий европа классиклари асарларига ҳам мурожаат этганликлари ва бу йўлда катта санъат дурдоналарини яратганликлари ҳақида муаллиф батафсил ҳикоя қилади. Муаллиф ўз очеркини қўйидаги илиқ сатрлар билан яқунлаган: “Ўзбек заминини тарқ этарканмиз, кўрган ва эшитганларимиз

таассуротлари оғушида эканлигимизни, Сора Эшонтўраева санъатидан, унинг диёри санъатидан ҳайратда эканлигимизни ошкор айтмоқчимиз. Сора Эшонтўраева сингари истеъдодли устозларга эга бўлган ўзбек театрининг истиқболи янада порлоқ бўлишига ишончимиз комил”.

## **II. БОБ Ғарбу шарқ маданиятлари ўзаро таъсирининг тамайиллари ва шакллари**

### **2.1. Ғарбу шарқ мамлакатларининг санъат, адабиёт, фан ва таълим соҳасидаги алоқалари (Ўзбекистон ва Германия мисолида)**

“Маданий ҳамкорлик ҳақидаги битим”нинг 17-моддасига мувофиқ 1999 йил октябрида ўзбек-немис аралаш комиссиясининг сессияси келгуси ҳамкорлик режаларини белгилаб берди. Аралаш комиссия делегацияларига ўзбек томонидан Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари, немис томонидан эркин шаҳар Ҳамбургнинг мактаб, ёшлар ва профессионал таълим бўйича Давлат маслаҳатчиси Херманн Лонгелар раҳбарлик қилган эдилар. Томонлар ўзбек-немис маданий айирбошлашнинг ҳозирги шунингдек, кейинги маданий ҳамкорлик таклифлари ҳолатини муҳокама қилдилар. Кўрилган ва муҳокама қилинган масалалар каторида 1998 йил 1 апрелда Тошкентда Гёте институтининг фаолият бошлаганини мамнуния билан қайд этдилар. Ҳар икки томон ўз ихтиёрларида бўлган имкониятлардан бевосита – алоқаларни қўллаб – қувватлаш ва ўзбек-немис олий ўқув юртлариаро янги ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишни маъқуллашларини таъкидладилар. Шартномага кўра Тошкент техника университети ва Ҳамбург техника университети, Тошкент қурилиш ва меъморчилик институт ива Ваймар қурилиш олий ўқув юрти, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университет ива Бохум университетларининг ҳамкорлик алоқалари яхши самаралар берди.

Германия академик айирбошлаш хизмати Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ҳамда Ўзбекистон халқ таълим вазирлиги ўртасидаги бевосита ҳамкорлиги ўлароқ Ўзбекистонлик 500 га яқин талаба, аспирант, тадқиқотчи ва илмий ходимларнинг Германия университетларида илмий сафарларда бўлганлиги ва немис ҳамкасблари билан ибратли ҳамкорлик алоқаларни ўрнатганликлари қувонарлидир. Ҳамкорлик доирасида Германия университетлари ректорларининг Ўзбекистонга ва Ўзбекистон олий ўқув юртлиги ректорлари кенгаши вакилларининг Германияга сафарлари олий таълим соҳасида тажриба алмашувнинг ибратли намунаси бўлди.

“Хуррият” газетасининг ёзишича<sup>1</sup> ўзбек шарқшунослари Б.Бобожонов, А.Мўминов ва немис профессори Юрген Паул ҳамкорликда Берлинда Чоп этилган “Шайбонийлар даври қабртош битиклари”га бағишланган салмоқли тадқиқот ўзбек, немис ва рус тилларида яратилган. Мазкур тадқиқотнинг Тошкентда ўтказилган тақдимот маросимида сўзлаган Германиянинг ўша пайтдаги элчиси Р.Биндзайл жаноблари ҳамкорлик самараларига юксак баҳо бериб шундай ёзган эди: “Шайбонийлар сулоласи вакиллари қарийб бир аср мобайнида (1570-1598)” Марказий Осиёнинг жуда кенг қисмида ва айниқса ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ҳукм сурганлар. Бу сулола ўз вақтида “ўзбеклар сулоласи” деб аталган. Шу сабабдан унинг тарихининг ажралмас бир қисмидир. Шайбонийлар сулоласи вакиллари ўзларидан илгари ўтган Буюк Амир Темур авлодларининг кўп соҳадаги ва айниқса китоблар чоп этиш ва

---

<sup>1</sup> Хуррият, 2001й. 4-10 апрел. Вестфалия кенгликларида

меъморчилик соҳасидаги гўзал анъаналарини давом эттирдилар, ҳамда маълум маънода уларни ишлар ила бойитдилар. Анҳорлар қазиб, чўлларни боғ-роғларга айлантириш, кўприклар қуриш, мадраса ва карвонсаройлар барпо этиш орқали улар мамлакатдаги савдо-сотик ҳамда хўжалик ишларини ривожлантирдилар. Уларнинг ишлари айниқса Бухоро шаҳрида яққол кўзга ташланади, чунки бу шаҳар Шайбонийлар сулоласи вакиллари бўлмиш Убайдуллахон ва Абдуллахонларнинг қароргоҳи бўлган. Улар бу шаҳарда қурдирган меъморчилик обидалари ҳозирги кунда ҳам Бухоронинг ҳуснига ҳусн, виқорига виқор қўшиб турарди. Бухоро, Самарқанд, Тошкент ва туркистонда яшаб, ҳукм сурган султонлар ҳамда уларнинг оила аъзолари қабрларига қўйилган тошларга юксак санъаткорлик билан ўйиб ёзилган битиклар Шайбонийлар сулоласи вакилларининг шу ҳудуд ҳаётида тутган юксак аҳамиятидан далолат беради. Бу битиклар ўтмишни яхши тушунишда ўзига хос кўприк вазифасини ўтайди.

Ўтган ўн йилликлар давомида Ўзбекистон билан Германия ўртасида бир-бирини яқиндан ўрганиш имконияти жуда чекланган эди. Ҳозирги кунларда бир-биримизнинг маданиятларимизни ўрганишга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Шайбонийлар давридан қолган қабртошлардаги битикларнинг рангли суратларда камраб олиши йўқолиб кетиш хавфи остида қолган ўзбек маданий меросини сақлаб қолишнинг ўзига хос йўлларидан биридир. Шу билан бирга бу тадбир Европа халқларига ўзбекларнинг ўтмиш маданиятини беради. Тадбир Европа ва Ўзбекистон ўртасидаги илмий ҳамкорликнинг гўзал ва ҳаётий мисолларидан биридир. Бу

ишлар учун биринчи навбатда ўзбек-немис муаллифлар жамоасига шу жумладан жаноб Бахтиёр Бобожонов, жаноб профессор Аширбек Мўминов ва улар сиймосида Ўзбекистон фанлар академиясига ҳамда Германия тарафдан Халле-Виттенберг университети профессори, жаноб Юрген Паулга бу ишни ниҳоясига етказиб, босмага тайёрлаб берганлари учун алоҳида ташаккур айтишимиз лозим. Бу лойиханинг амалга оширилишида Конрад Аденауэр жамғармаси, шунингдек, Француз ҳамда Эрон илмий доираларининг берган ёрдамларини ҳам санаб ўтишимиз лозим. Шулар қаторида бошқа миллатларга мансуб олимлар ҳам ўзларининг баҳоли қудрат ёрдамларини аямадилар. Германия ташқи ишлар вазирлигининг моддий ёрдами туфайли бу тадбирнинг амалга ошганлиги мени бениҳоя қувонтирди. Бу асар ўзбек халқи тарихининг муҳим бир бўлимини тугал ўрганишда ўз хиссасини қўшишига аминмиз.<sup>1</sup>

“Хуррият” ўзбек-немис илмий ҳамкорлиги ҳақидаги мақоласида Тошкентлик олим Аширбек Мўминов Гумбольдт жамғармаси стипендиясига сазовор бўлганлиги ва немис ҳамкасблари билан Рур университети шарқшунослик институтида бақамти ишлагани Марказий Осиё ва Россияда ўрта асрларда ислом маданияти деб номланган илмий серияда ўз мақолалари билан қатнашибгина қолмай, нуфузли нашрнинг бир жилдига муҳаррирлик ҳам қилгани, Гумбольдт жамғармаси ҳомийлигида Туркия, Араб мамлакатлари, Германия ва Швециянинг эътиборли анжуманларида қатнашганлигини қониқиш билан қайд этади.<sup>2</sup>

---

<sup>1</sup> R.Bindseil Schaibanidische Grabinschriften Wießbaden 1997, S-5.

<sup>2</sup> “Хуррият” 2001 й. апрел, ўша мақола

Ўзбекистон олий таълим тизими, фанлар академияси тадқиқот институтларининг ўнлаб мутахассислари Германия илм марказларида ўз тажриба – синовларини ўтказмоқдалар, немис ҳамкасбларини қизиқтирадиган соҳаларда маърузалар ўқимоқдалар. Профессор Б.Қосимов (ЎЗМУ)нинг Ҳамбург, Берлин университетларида Г.Пан (ЎзДЖТУ)нинг Бохум университети, Германистика институтида, Ю.Исмоилов (ЎзДЖТУ), А.Алихўжаев (ЖИДУ)нинг Бонн университетида маърузалар қилганликлари илмий ҳамкорликнинг яқин ва мунтазамлик касб этишга хизмат қилмоқда. Ўз навбатида Кёльн университетида О.Данн, Хайделберг университетида Э.Виеганд, Берлин университетида И.Больдауф, Бонн университетида А.Шиммель, К.Райхл каби кўплаб атоқли олимларнинг Ўзбекистоннинг турли университетларида маърузалар ўқишлари, амалий машғулотларни бошқаришлари, ўзбек бошловчи тадқиқотчиларига раҳбарлик қилишга розилик беришларини ҳамкорлик самаралари деб қараш ўринлидир.

Немис томони DAAD орқали ҳамкорлик доирасида барча мутахассислик соҳалари ҳамда ёшлари 32 дан ошмаган рассом ва артистлар ва аспирантлар учун 10 ойлик стипендияларни тавсия этади ва бу имкониятдан ўз олий ўқув юртларида муваффақиятли тахсил олаётган иқтисодчи талабалар ҳам фойдаланадилар. Бундан ташқари германист-талабалар ўз олий ўқув юртларида муваффақиятли ўқиётган бўлсалар семестр стипендиясига лойиқ кўрилиб Германия университетларига 6 ойлик муддатга юбориладилар. Барча соҳа олимлари (агар улар илмий даражага эга



бўлсалар ва бирор илмий лойиҳани Германияда амалга оширишни хоҳласалар) 1 ойдан 3 ойгача стипендияга лойиқ кўрилади. Немис – ўзбек аралаш комиссияси Германияда малака оширишни хоҳлаган ва бунга эришганлар миқдори йилдан-йилга ошиб бораётганлигини ўз йиғилишларида мамнуният билан қайд қиладилар.

1995 йилда Германияда етакчи олмон исломшунос олимаси Аннемарие Шиммел хопимнинг «Жонон, менинг жонимда» номли янги асари дунё юзини кўрганди. Энди эса китоб ўзбек тилига ўгирилганлиги шарофатидан ўзбек китобхонлари ҳам заҳматкаш олима ижодининг бир қирраси билан яқиндан таншиш, унинг баракасидан баҳраманд бўлиш имконига эга бўлмоқдалар. Шиммел хоним қарийб эллик йиллардан бери барча маданият ихлосмандларига Ислом дини тўғрисида чуқур ва ҳартомонлама маълумотлар бериш ишига ўзининг залворли ҳиссасини қўшиб келмоқда. 1995 йил 15 октябрда хонимга Германия Китоб савдоси ташкилотининг Тинчлик мукофоти берилди. Бу Шиммел хонимнинг илмий ҳаётидаги энг баланд чўққи ва унинг хизматларига берилган энг юқори баҳодир. Мукофот топширилаётганда Германия Федератив Республикаси Президенти табрик нутқи сўзлаб, Шиммел хонимни маданиятлараро энг яхши мулоқотни йўлга қўйган фан арбоби, деб атади. Табрик нутқида жумладан шундай дейилганди: «Маданиятлараро мулоқотни йўлга қўйиш учун шу маданиятларни ўзлари яхши билган ҳолда бошқаларга ҳам ўргатадиган, бошқаларнинг маънавияти ва кадриятларини яхши тушунадиган, ўзлари тўплаган билимларни

бошқаларга ҳам улашадиган ва шу аснода ишонч кўприklarини курадиган одамлар керак. Шиммел хоним мана шундай жонкуяр кишиларимиздан биридир. Шу сабабдан хоним муносиб равишда Тинчлик мукофотини олишга сазовор бўлди. Шиммел хоним Исломнинг руҳий оламини жон-дилдан севади, шу сабабдан кўплаб мусулмонлар ҳам хонимнинг ҳурматини жойига кўядилар». Шиммел хонимнинг ушбу асари ўзбек тилига таржима қилиниб, Ўзбекистонда нашр этилишини олмон-ўзбек алоқаларини янада чуқурлаштиришга қўшилган навбатдаги ҳисса, деб баҳолаш жоиз. Тўқсонинчи йиллар бошидаги сиёсий ўзгаришлар Германия билан Ўзбекистон ўртасидаги илк сиёсий, хўжалик ва маданий алоқаларнинг вужудга келишига имкон яратди. Ушбу асарнинг ўзбек тилига таржима қилиниб, Тошкентда чоп этилиши мамлакатларимиз ўртасида саккиз йилдан бери давом этиб келаётган алоқаларнинг янада кенгайишига қўшилган улусдир. Шу ерда мен бир нарсани алоҳида қайд этиб ўтишни истардим. Шиммел хонимнинг ўзбек тилига ўгирилган бу китобчаси давлатлараро бўлган муносабатларнинг эмас, балки алоҳида шахсларнинг фаолликлари натижаси ўлароқ дунё юзини кўрди. “САНАВИТА” фирмасининг эгаси, Германиянинг “Иммунитет ва атроф-муҳит” жамғармаси раиси жаноб доктор Йоахим Моорманн Шиммел хонимнинг бу асарини ўзбек тилида чоп эттириш учун таҳсинга лойиқ савобли ишларни амалга оширди. Асарни таржима қилиб, ўзбек китобхонларига етказиш ғоясини эса ёзувчи ва

таржимон жаноб Йўлдош Парда ўртага ташлаганди. Бунинг учун унга ҳам раҳмат айтишимиз жоиз.<sup>1</sup>

Мустақиллигимизнинг ўн олти йили мобайнида Ўзбекистонда ўз фаолиятини бошлаган, ҳар икки мамлакатни ўзаро яқинлаштириш борасида хизмат қилаётган Германия академик айирбошлаш хизмати, Гёте институти, Фридрих Эберт, Конрад Аденауэр жамғармалари, халқ университетлари немис Ассоциациясининг халқаро ҳамкорлик институти Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси каби давлат ва нодавлат ташкилотлари маданият, алабийёт, санъат ва таълим соҳасида ўзбек ҳамкорлари билан талай тадбирлар, халқаро анжуманлар, кўргазмалар, бадийий жамоаларнинг ҳар икки мамлакатда гострол сафарлари, санъаткорлар билан учрашувлари мамлакатларнинг ҳар томонлама тараққиёти ва бир-бирларини яқинроқ билиш имконини яратди.

Кейинги йилларда юқорида қайд этилган ташкилотларнинг ташаббуси ва кўмагида қатор илмий анжуманлар ўтказилди. Бу табиийки, Германия ва Ўзбекистоннинг турли илм даргоҳларида ишлаётган олимларнинг ўзаро фикр алмашувларига хизмат қилди. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ва Германиянинг ДААД, Гёте институти, Фридрих Эберт, Конрад Аденауэр жамғармалари, халқ университетлари немис Ассоциацияси халқаро ҳамкорлик институти тарих ва ўзликни англаш: Германия ва Ўзбекистон тажрибаси мавзусига бағишлаб ўтказган халқаро

---

<sup>1</sup> Доктор Райнхарт Биндзайл - Германиянинг Ўзбекистондаги Фавқулудда ва Мухтор элчиси, Тошкент, 1999 йил 1 сентябрь.

илмий анжуман ва қатор семинарлар хулосалари иккита салмоқли тўплам тарзида чоп этилди.<sup>1</sup>

Унда Германия томонидан Х.Й.Кидерлен, М.Клингенберг, Ш.Шмитц, В.Шрот, Г.Бурггох, Г.Симон, А.Нагел, П.Рештрон, У.Гертеншлегер, Х.Рот, Х.Кайзер каби тадқиқотчилар, Ўзбекистон томонидан С.Сафоев, Л.Одилова, А.Саидов, Э.В.Ртвеладзе, О.Лошкорева, О.Агеева, Н.Рахимов, Г.Хидоятловлар ранг-баранг мавзуларда маърузалар қилдилар. Маърузалар матнлари ўзбек, немис ва рус тилларида чоп этилди. Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси ва Фридрих Эберт жамғармаси хомийлигида профессор З.И.Мунавваров ва Хайделберг университети профессори В.Шнайдер-Детерсларнинг умумий таҳрири остида чоп этилган “Ислом ва дунёвий-маърифий давлат” китоби<sup>2</sup> ҳам мазкур номда ўтказилган халқаро илмий-назарий анжуман материалларини ўзида жамулжам этган. Мазкур тўпламдан кўплаб немис, ўзбек исломшунослари ва илоҳиёт илми вакилларининг дунёвий – маърифий давлат тушунчаси эволюцияси, анъанавий мусулмон жамиятида динийлик ва дунёвийлик муаммоси, шўролардан кейинги мусулмон давлатларида динийлик билан дунёвийлик ўртасидаги мантиқий нисбатан яратиш масалаларига дахлдор мақола ва маърузалари ўрин олган.

Германиянинг Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган Фридрих Эберт, Конрад Аденауэр жамғармалари халқ университетлари немис Ассоциациясининг халқаро ҳамкорлик институти ҳамда Гёте институти ўзбек ҳамкорлари билан “Тарих ва ўзликни англаш

---

<sup>1</sup> Tarix va o`zlikni anglash: O`zbekiston va Germaniya tajribasi, Toshkent, 2005

<sup>2</sup> Ислом ва дунёвий-маърифий давлат. Islom und Sdkularer Staat. Toshkent, 2003

Ўзбекистон ва Германия XX асрда” номли анъанавий анжумани якунларига бағишлаб 2007 – йил январида салмоқли тўплам чоп этдилар<sup>1</sup>.

Ўзбек, немис ва рус тилларида Р.Крумм, К.Гюнтер, М.Клингенберг ва Г.Риссель мухаррирлигида чоп этилган ушбу тўпламда Германия федератив Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб М.Майер ҳамкорлик ҳақида, жумладан қуйидагиларни қайд этади. “Немис ва ўзбекларни тарих ва ўзликни англаш йўлида нималар боғлайди?” Фикримча ўз мавқеларини белгилаш ва худудий ҳамда халқаро доирадаги интеграцияга интилиш уларни бирлаштиради. Германия ўз тинчлик сиёсати, миллий маърифати йўлида ёрдам, ҳуқуқни кучайтириш бобида халқаро шартномаларга риоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш тарихий тажрибалари натижаларидан халқларнинг ҳамкорликда яхшироқ яшашлари учун кўмаклашишни ўз сиёсатининг мезони деб билади. Ўзбекистон илгари замонлардаги ўз тобелигидан тамомила қутулишга уринишларини сезиларли тарзда кўрсатиш истаги ва келажак сари ўз йўлини топиш ҳаракатида бўлаётганини намоён қилмоқда. Немислар ва ўзбеклар кўпгина ишларда ҳамкор. Мен энг аввало малакатда ҳамма соҳа ва даражада бизга ишонч билдираётганини олқишлайман. Бизнинг ушбу мамлакатдаги барча соҳалардаги тақдимотимиз ошқора тажриба алмашиш асосига қурилмоқда. У келажакка

---

<sup>1</sup> Тарих ва ўзликни англаш II: Ўзбекистон ва Германия тажрибаси. „Geschichte und Identität II: Usbekistan und Deutschland im 20. Jahrhundert. История и самосознание II: Узбекистан и Германия в XX века.. Тошкент 2007

йўналтирилган ишончли ҳамкорликка йўналтирилган.<sup>1</sup> Мазкур тўпламдаги мақолалар ва тадқиқотларга баҳо берар экан, жаноб М.Майернинг фикрича “Мажмуаларнинг иккинчи тўпламида камроқ мавҳум масалалар билан шуғулланиб, кўпроқ аниқ муаммолар доирасидаиждо қилганларки, унда ҳар икки томон тарих ва ўзликни англаш бўйича ўз қарашларини баён эта олганлар. Маърузалар ялпи музокараларда (уларнинг кўпчилиги Германия ва Ўзбекистонлик нуфузли меҳмон ва мезбонларга тегишли) баҳсга чорладилар ва ўзаро бир-бирларини англашга интилдилар. Бу масалага ўзбек аҳолисининг қизиқишини мисол қилиб келтирсак бўлади. Немислар ва ўзбеклар кейинги ўн йилликларга даҳлдор, айниқса 1990 йилдан кейин ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар.”<sup>2</sup> Дарҳақиқат ушбу тўпламдан Ўзбекистонлик олимлар Р.Абдуллаев (ЎзФА тарих институти), А.Файзуллаев (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети), А.Эгамбердиев, Н.Каримов, Ш.Турдиев (ЎзФА тил ва адабиёт институти) билан бир қаторда Германиялик У.Венгет, И.Гаук, М.Клингенберг, Д.Шинански каби нуфузли олимларнинг ранг-баранг, айнаи замонда мавзуни ҳар томонлама ёритишга хизмат қилувчи тадқиқотлари ўрин олган.

ЎзФА тарих институтининг етакчи илмий ходими Р.Абдуллаев “Тарихий онг ва Ўзбекистоннинг замонавий тарих фани” номли мақоласида тарих илмининг ҳозирги талқини ҳақида тўхтаб, жумладан шундай ёзади: Албатта миллий тарихнинг янги талқини

---

<sup>1</sup> М.Майер. Анжуман қатнашчиларига қутлов. Тарих ва ўзликни англаш II: Ўзбекистон ва Германия тажрибаси. Тошкент 2007 й. 5-бет

<sup>2</sup> М.Майер. ўша китоб. Тошкент 2007 й. 5-бет

бугун ҳам ҳаммани қониқтириши мумкин эмас. Ҳамма замонларда шубҳаланувчилар ва эътироз билдирувчилар топилади. Бу ҳол табиийдир. Соғлом жамиятда ўтмишининг у ёки бу воқеаларига ва ҳолатларига нисбатан муқобил баҳолар ва ўзгача қарашларга ўрин топилиши керак. Аммо тадқиқотчилар ва оддий кишилар қандай хулосага келмасинлар, барибир шуни инкор этиш мумкин эмаски, боланган миллий тарихни жонлантириш жараёни Республика аҳолисининг сиёсий ва миллий ўзлигини англаши ўсишига таъсир этмасдан қолмайди.<sup>1</sup>

Миллий ўзликни англаш ҳақидаги профессор А.Файзуллаевнинг қарашлари ҳам эътиборлидир. “Ўзбекларнинг миллий ўзликларини англашлари ўта қизик ва етарли ўрганилмаган феномендир”, - деб ёзади автор, - Ўзбеклар мураккаб тарихга эга бўлиб, бу тарихнинг кўпгина даврлари ва соҳалари ўзларининг чуқур тадқиқ этилишини кутмоқда. Ўзбекона ўзликни англаш давр синовидан ўтган ва мустаҳкам ижтимоий ва маданий феномен сифатида ўзини намоён қилмоқда. Яқин ижтимоий алоқалар, кучли маданий анъаналар қудратли социал нормалар, удумлар, маросимлар, ўзбек оиласидаги узвий муносабатлар ва бошқа жамоага ва маданиятга тегишли моҳиятли омиллар кўп ўзбекларнинг кундалик ҳаётига микро- ва макроўзликни англашларига қудратли таъсир ўтказган ва ўтказмоқда.<sup>2</sup>

Мюнхендаги (Бавария) замонавий тарих институти директори ўринбосари жаноб У.Венгетнинг мақоласи “Замонавий тарих

---

<sup>1</sup> Р.Абдуллаев. Тарихий онг ва Ўзбекистоннинг замонавий тарих Фани. Юқорида қайд этилган китобда. 10 бет

<sup>2</sup> А.Файзуллаев. Миллат, давлат ва инсоннинг ўзини англаш. Тарих ва ўзликни англаш II Ўзбекистон ва Германия XX асрда. Тошкент 2007 й. 34 бет

сийсий маърифат воситаси сифатида”<sup>1</sup> номли тадқиқоти Германия тарихиганемис мутахассиси нигоҳи билан қараш воситаси нуқтаи-назаридан муҳим бўлиб, XX асрда икки диктатура даврини бошидан кечирган Германия ҳақида бой библиографик маълумотлар бериши билан долзарбдир.

Тюрингия федерал ўлкаси Ландтаги раиси Д.Шинански ўзининг тўпламдан жой олган “Тарихий ҳақиқат, миллий ўзлик ва ўтмиш таҳлили” мақоласида марказий ва шарқий Европадан то марказий Осиёгача бўлган худудлардаги халқларнинг озодлик, ўз тақдирини ўзи белгилаш ва диктатурадан чиқишга бўлган интилишлари асосида аввалги режим барҳам топганлигини айтиб, озодлик ўз тақдирини ўзи белгилай олиш жасорат, куч, келажакни кўра олиш ва ўзига ишониш каби хислатлар билан чамбарчас боғлиқдир<sup>2</sup>, - деб уқтиради муаллиф. Шаҳидлар хотираси хайрия жамғармаси раиси профессор Н.Каримов ва шу жамғарма етакчи илмий ходими олим Ш.Турдиев<sup>3</sup>ларнинг жаидлар ҳаракати ҳамда жаидларнинг ёшларни Германияга ўқишга юбориш ҳақидаги тадқиқотларнинг бошқа мақолалар қаторида рус ва немис тилларига ўгирилиши ўқувчилар географияси доирасини кенгайтириши билан эътиборлидир.

Бундан ташқари ташаббускорлари Низомий номидаги педагогика университети ҳамда Фрайбург университети бўлган 2003-йилда ўз фаолиятини бошлаган немис – ўзбек илмий жамияти икки мамлакатнинг ҳар икки шаҳрида навбатма-навбат ўтказадиган

---

<sup>1</sup> У.Венгет. қайд этилган китоб. 13 бет

<sup>2</sup> Д.Шинански. Тарихий ҳақиқат, миллий ўзлик ва ўтмиш таҳлили. Қайд этилган китоб. 69 бет

<sup>3</sup> Н.Каримов. Жаидчилик ҳаракатининг вужудга келиши ва жаидларнинг маърифатпарварлик фаолияти. Ўша китоб. 72 бет

Ш.Турдиев. Жаидларнинг ёшларни Германияга ўқишга юбориши. Ўша китоб. 77 бет



илмий анжуманлари икки олий ўқув юртининг ўзаро ҳамкорлиги доирасидан чиқиб, мамлакатлараро илмий ҳамкорлик мақомига эришди. Илмий жамиятнинг иккала университетда ўтказиладиган йиғинларида мазкур университетлар илмий жамоатчилигидан ташқари Тошкентдаги барча олий ўқув юртлари, Самарқанд, Андижон, Бухоро, Наманган, Қарши, Термиз, Қўқон ва бошқа шаҳарлардан ташриф буюрган турли филологик ва ижтимоий – гуманитар фанлар вакилларининг иштироки мунтазамлик касб этмоқда. Немис томони ҳақида ҳам шундай фикрлар билдириш ўринли. Бонн, Хайделберг, Берлин, Бохум, Ҳамбург ва бошқа ўнлаб университетларнинг К.Райхл, И.Бальдауер, Э.Келер, А.Нагел, Б.Пандер каби атоқли ва эътироф этилган профессорлари ушбу нуфузли анжуманларнинг доимий иштирокчилари десак муболаға бўлмас.

Ўзбек-немис илмий ҳамкорлигининг систематик характер касб этишда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон халқ маорифи вазирлиги халқаро алоқалар департаментлари олий ўқув юртларининг бевосита немис ҳамкорлари билан алоқалар ўрнатувчи халқаро алоқалар бўлимлари, шунингдек, ҳамкорлик лойихаларининг бевосита муаллифлари бўлган олимларнинг роли беқиёсдир. Халқларнинг фаровонлиги ва маданиятларининг бойишига хизмат қилувчи бундай ҳамкорлик йилдан-йилга равнақ топишига ишончимиз комил.

## **2.2. Ўзбекистонда Германия маданияти кунларининг ўтказилиши**

1996 йилнинг май ойида Марказий Осиё республикалари бўйлаб Германия маданияти кунлари ўтказилди. Шу муносабат билан Германия федератив Республикасининг ўша пайтдаги Ташқи ишлар вазири Клаус Кинкель Марказий Осиёдаги жумладан Ўзбекистондаги немис маданияти ҳафталиги иштирокчилари ва ташкилотчиларига ўзининг табрик мактубини йўллади. Унда жумладан шундай дейилади: “Тарихда биринчи марта Марказий Осиёда, жумладан Ўзбекистонда Германия маданияти кунлари ўтказилмоқда. Германияга аввалдан катта қизиқиш билан муносабатда бўлган ушбу ҳудудда немис анъаналари, немис маданияти, немис мусиқаси, адабиёти, кино санъати, тасвирий санъат асарлари ва кўп соҳаларни ўзида жамлаган немис илм-фанини намоёни қилиш имкониятини берди. Биз шу ўринда Германия ва Ўзбекистон ўртасидаги илмий ва маданий алоқаларни тобора ривож топиб бораётганини мамнуният билан таъкидлаб ўтмоқчимиз. Ўзбекистондаги олмон мутахассислари ва Германияда таҳсил олаётган ўзбек талабалари икки халқнинг бир-бирларини ўзаро тушунишларида ўзларининг муҳим ва муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Немис маданияти кунлари қадимдан кўп маданиятли бўлган ушбу давлатда ўтказилмоқда. Умид қиламизки, маданият кунларида ўтказиладиган тадбирлар чуқур маданий ҳамкорлик ва халқларимиз ўртасидаги дўстликнинг мустаҳкамланиши йўлида янги қадам бўлади. Мен Ўзбекистонда ўтказиладиган маданият ҳафталигининг муваффақиятли ўтишини тилайман ва мана шу

маданият ҳафталиги доирасидаги тадбирларни тайёрлашда ва ўтказишда алоҳида масъулият билан ёндашган барча тадбир иштирокчилари ва ташкилотчиларига ўзимнинг самимий миннатдорлигимни билдираман<sup>1</sup>.” Азалдан меҳмондўст бўлган Ўзбекистонда олмон маданияти ҳафталиги ўтказилиши ҳақидаги хабар катта хурсандчилик билан кутиб олинди. Ўзбекистон ҳукумати томонидан Республикада маданият кунларининг кўтаринки руҳда ўтказиш учун зарурий чора тадбирлар кўрилди. Асосли савол туғилади: Олмон маданияти ҳафталигининг ўзбек маданий ҳаётида тутган ўрни қандай? Ушбу саволга жавобни бу Собиқ Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлари вазири Абдулазиз Комиловнинг Ўзбекистонда Олмония маданияти ҳафталиги иштирокчиларига йўллаган табрик нутқидан топишимиз мумкин. Унда жумладан шундай дейилган: “Ўзбекистонда Германия маданияти ҳафталигининг ўтказилишида биз нафақат Европа ва Осиё халқларининг кўп асрлик тарихий ўзаро бойиш анъаналарини келгусида давом эттириш учун муҳим асосларни, балки турли минтақаларни ва ягона жаҳон тармоғига бирлаштираётган интеграцион жараёнларнинг замонавий йўналишларига янги турини бериш имкониятларини ҳам кўрамиз. Ишончим комилки, Ўзбекистон Республикасида Германия маданияти кунлари ҳафталиги мамлакатларимиз халқларига бир-бирлари билан янада яқинроқ танишиш имкониятини беради.

---

<sup>1</sup> K.Kinkel, Die Kulturwicken Deutschlands in Berlin 1996

Келгусида улар ўртасидаги бир-бирини англаш ва ишончини юқори даражага кўтаришга кўмаклашади.”<sup>1</sup>

Германия маданияти кунлари доирасида жуда кўп тадбирлар ўтказилди. Бу тадбирлар санъатнинг мусиқа, театр, кино, кўрғазмалар намойиши, адабиёт, атроф-муҳит мудофаси, шарқшунослик ва археологияга бағишланган эди. Маданият кунлари давомида герман маданияти санъати ва адабиётининг ўзбек мухлислари ўзлари учун янгидан-янги германиялик санъат усталарини номларини кашф қилишди. Жумладан, мусиқа соҳасида Michael Schönheit, brass of the moving image ансамбли, singer Pur ансамбли ва бошқаларнинг фаолиятини мисол қилиб олишимиз мумкин. Маданият кунларида ижодий фаолияти намойиш қилинган баъзи санъат усуллари фаолиятига тўхталиб ўтмоқчимиз. Масалан театр соҳасида Петер Кеттуркалт 1978 йилдан буён инсон фаолиятини ифода этувчи кўғирчоқ санъати билан шуғулланади. Унинг кўпгина асарлари халқаро мукофатларга сазовар бўлган ва ғарбий ярим шарнинг қарийиб барча сахналарида намойиш этилган “Асосий шахслардан кўрманг” номли асари юқорида билдирган фикрларимизга исбот бўла олади. Ижодкор ўзининг бошқа касбдошлари билан ҳамкорликда анъанавий кўғирчоқ санъати асарларини чунончи, “Кўғирчоқлар билан фотороман”, “Микротеатр” асарларини ижод қилди. Шунингдек немис маданияти кунлари доирасида кўпгина немис бадиий фильмлари ҳам намойиш этилди. Режисёр Кристиан Вагнер томонидан 1994 йил суратга олинган “Трансатлантик” ва

---

<sup>1</sup> А.Комилов Приветственной слово участникам Дней культуры Федеративной Республики Германии в Узбекистане. Kulturwachen der Bundesrepublik Deutschland. Herbst. 1996. München

Peter Sehr томонидан 1993 йил суратга олинган “Каспар Хаузер”, Маргарет фон Тротт томонидан 1994 фил суратга олинган “Ваъда” филми, шунингдек худди шу йили Андреас Грубер томонидан суратга олинган “Куён ови” фильмлари томошабин ва олмон кино санъати мухлислари томонидан юқори баҳоланди. Бундан ташқари ушбу маданият ҳафталигида Heinrich Böll ва унинг ҳаёти ва ижоди мавзусида кўргазмалар иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди. Шундан кейин эса экологик муаммоларга бағишланган “Бўлиш ёки бўлмаслик” мавзусидаги кўргазма намойиш этилди. Унда асосан саноат ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлган табиатнинг ифлосланиши, атроф-муҳитнинг заҳарланишига қарши маданий танқидий фикрлар, хулосалар билдирилди. Беш қисм – табиатнинг ҳалокати, ҳаёт асосларининг бўзилиши, саноат методлари, бошқарувчи ходимлар, бошқача келажак ва табиатга қарши, инсоният ҳаёт тарзига қарши олиб борилаётган салб юришлари ва бошқа ҳар хил сабаблар фотография жанри ёрдамида очиб берилади. Бозор иқтисодиёти шароитида рекламанинг аҳамияти ва унинг нафақат иқтисодиётда, балки маданиятда тутган ўрни ҳам каттадир. Шу сабабли маданият кунлари тадбирлари доирасида Германияда 1925 йилдан 1988 йилгача суратга олинган реклама фотосуратлари ҳам намойиш қилинди. Ушбу кўргазма ташкилотчиси Германия халқаро Гёте институти томонидан тақдим этилган фильми 1925 йилдан бошлаб суратга олинган 227 та экспонат кўргазма иштирокчиларнинг эътиборига ҳавола этилди. Бундан ташқари юқорида номи айтиб ўтидган институт томонидан “50 - йиллар графикаси, 60 - йиллар, 70 - йиллар

графикаси, 80 - йиллар графикаси” номли кўргазмалар ҳам ташкил қилинди. Кўргазмада асосан иккинчи жаҳон урушидан кейинги Германиядаги графика санъати тарихи ёритилган ва кўргазмадан ўша йилларда олмониялик санъат усталари томонидан ижод қилинган асарлар ўрин олган. Жумладан Фритц Винтернинг 1950 йил чизилган “Ohne Titel” асари, Вили Баумайстернинг “Agu-Linie” асарлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Мен яна шу ўринда 60 - йиллардаги графика соҳасида олиб борилган ишлар хусусида ҳам тўхталиб ўтишни истардим. Зеро бу давр графика соҳасида ўзликни англаш, санъатда ўзликни ифода этишга интилиш асосий ўрин тута бошлади. Асарларда 2 - жаҳон урушидан сўнг классик модерн “Экасс депари” усули асосий аҳамиятга эга бўлган бўлса, 60 - йиллар графика санъатида эса авангардликка интилиш юз берганини кўришимиз мумкин. Бу давр санъатида замонавий зиддиятлар билан 1968 йил Касилда ўтказилган Dokumenta 4 ва ўша давр Германиядаги кўргазмаларни камраб олган Америка санъати билан баҳслашиш бу давр санъати учун ҳарактерлидир. 60-йилларда жумладан Günter Fruhtrunk 1967 йилда чизилган ва “бир-бири билан учрашиш учун кетаётган чизиқлар“ деб номланган асари чуқур фалсафий маънога эга ва бу асар ҳар қандай кишини бир лаҳза бўлса ҳам ўйга толдиради. Олмония деганда бизни кўз олдимизга биринчи навбатда автомобиль келади. Автомобиль олмониянинг том маънодаги рамзидир. Шу сабабли кўргазма иштирокчиларига “Германияда дизайн” мавзусида немис саноат маҳсулотлари намойиш этилди. Жумладан Мерседес Бенц фирмасининг “Визион - А” деб

номланган автомобили йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Маданият кунлари тадбирларини адабиётга дахлдор бўлган тадбирларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Кўрғазмада ҳозирги замон олмон адабиёти осмонида юлдуз бўлиб чакнаб турган Европада қолаверса бутун дунёга машҳур бўлиб бораётган истеъдодли ёзувчиларнинг асарлари ҳам ўрин олган. Ушбу тадбир давомида Ўзбекистонлик олмон адабиёти шинавандаларига ушбу ёзувчиларнинг ижодий фаолияти ва ёзган асарлари тўғрисида қимматли маълумотлар берилди. Бундан ташқари бу ижодкорларнинг ўзлари ҳам бир қанча маърузалар ўқидилар. Уларнинг асарларидан намуналар ўзбек адабий нашрларида эълон қилинди. (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Шарқ юлдузи”, “Ёшлик” ва бошқаларда). Ушбу ёзувчиларнинг айримлари ҳақида қисқача маълумот бериб ўтмоқчимиз, жумладан,

1. Юрек 1937 йилда Полшанинг Лодз шаҳрида туғилган. Унинг ёшлиги национал социалистларнинг гетто ва канцлагерларида ўтди. Фақатгина 1945 йил отаси билан Берлинга келгандан сўнг олмон тилини ўрганди. У 1960 йилдан 1977 йилгача Шарқий Берлинда яшади ва эркин ижодкор сифатида фаолият кўрсатди. 1977 йилда сўл партияга ва унинг сиёсий фаолиятига қарши чиққанда айблашди ва Германия Демократик Республикаси ёзувчилар уюшмаси сафидан чиқарилди. 1977 йилнинг охирида Бекер ГФР ни тарк этди ва ғарбий Германияга кўчиб ўтди. Унинг номини бутун дунёга машҳур қилган асарларига мисол қилиб биз, 1970 йилда ёзилган “Ёлғончи Якоб” асарини олишимиз мумкин. Асарнинг жуда кўп тилларга таржима қилиниши ҳам асарнинг

қиймати қанчалик баланд эканлигини кўрсатади. Ўз асарида адиб аччиқ ҳақиқатни яъни, национал-социалистлар томонидан канцлагерларда яхудийларнинг оммавий қириб ташланишини тасвирлайди. Бундан ташқари олмон телевидениясида намойиш қилинган ва мухлисларнинг тахсинига сазовар бўлган “Севимли Кройсберг” кўп қисмли телесериалини сценарийси ҳам Becker томонидан ёзилган. Бу сериал танқидчилар томонидан юқори баҳоланди.

2. Профессор доктор Фолькер Боон 1941 йил туғилган. Майидаги Франкфурт шаҳридаги Иоханн Вольфганг Гёте номидаги университетнинг янги олмон филологияси бўйича профессори ва поэтика бўйича таклиф қилинган мутахассислар раҳбари. Бундан ташқари у Уве Жонсон номидаги илмий архивнинг бошқарувчиси ҳамдир. Доктор Боон Гёте, Бухнер, Жонсон ва Хандке ижоди бўйича янги маълумотларни эълон қилди. Шунингдек адиб 15 йил давомида радиоэшиттиришлари учун Эссе, композиция ва такризлар ёзди. Бундан ташқари у “адабиётшунослик ва унинг теоретик муаммолари” номли асарини эълон қилган.

3. Райнер Кунце 1933 йил Елцницада (Erzgebirge) да шахтёр оиласида туғилган. Филология ва журналистикани ўқигандан сўнг Кунце 1962 йилгача Лейпциг университетининг журналистика факультетида ассистент лавозимида ишлади. Сиёсий муаммолари уни олий илм даргоҳидаги фаолиятини тўхтатишга мажбур қилди. 1976 йилда партия фаолиятига қарши чиққанликда айбланди ва ГДР ёзувчилар уюшмасидан хайдалди ва оиласи билан ғарбий Германияга кўчиб ўтади. Унинг асарлари дунёнинг 20 та тилига



таржима қилинган. 1977 йил адиб “Георг Бюхнер” мукофоти билан, 1981 йилда эса “Geschwister Schöll” мукофоти билан тақдирланади. Унинг танқидга бой, оммабоп шеърлари жумладан, “Ажойиб йиллар” (1076) да ГДР даги ёш авлоднинг ҳаётий ҳис туйғулари ўй ва кечинмаларини тасвирлайди. Райнер Кунце ҳозирги замон немис адабиётининг энг етук вакилларидан бири бўлиш билан бир қаторда ўзини истъоддли таржимон ва болалар ёзувчиси сифатида намоён этди. Унинг танланган асарлари: “Sensilbe Wege” (Gedichte. 1969), “Zimmer lautstarke” (Gedichte 1972), “Die wunderbaren Jahre” (Prosa 1976), “auf eigenen Hoffnung” (Gedichte 1981), “Das weiße” (Essays 1989), “Deckname Lyrik” (Dokumentation 1989). Инсоният ер юзида яшар экан, у табиатга ва атроф муҳитга эҳтиёткорона ва ўта маданиятли бир тарзда ёндашмоғи зарур. Орол денгизининг қуриши ҳам инсониятнинг табиатга нисбатан қилган ваҳшиёна ва ёвуз муносабатини салбий оқибатидир. Маданият кунлари юқорида номлари зикр қилинган тадбирлардан ташқари “атроф-муҳит ва унга муносабат” деб номланган тадбир ҳам ўтказилди. 70 - йилларнинг ўрталарига келиб Олмонияда атроф муҳитнинг ифлосланиши деган янги тушунча пайдо бўлди. Олмон оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган маълумотлар, телевиденияда намоёиш қилинган фильмлар олмон жамоатчилигини ташвишга солди. Бу фильмларда атроф-муҳит ифлосланишининг салбий оқибатлари чунончи, немис ҳовузларидаги ифлосланиш натижасида ўлиб кетаётган балиқлар, ўрмондаги дарахтларнинг ёппасига кесилиши ва шунга ўхшаш салбий оқибатлар акс этган эди. 70-йилларнинг охирига келиб

яшиллар партияси томонидан атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ муаммони ўртага ташлаганлиги бошқа анъанавий партияларни ҳам табиат муҳофазаси билан жиддийроқ шуғулланишга мажбур этди. Қанча йил ўтмасин табиат муҳофазаси муаммоси ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмайди. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек Олмонияда бугунги кунда ҳам шарқшунослик илми катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Маданият кунларида бир қанча шарқшунос олимлар шарқшунослик илми ва унинг бугунги кунда Олмонияда ўрганилиши бўйича маърузалар қилдилар: Доктор Анке фон Кугельген “Бухоро амирлига (8-19 асрлар)да” номли маърузасида Бухоро амирлигининг сўнгги сулоласи, манғитлар сулоласи, айниқса амир Шоҳмурод даврида ва ундан кейин ҳам яна янгидан ислом анъаналари маркази бўлганини таъкидлаб ўтди. СССР парчаланганидан сўнг ғарблик шарқшунос олимларга Бухорога келиб ва унинг тарихи, маданияти ҳақида тадқиқотлар олиб бориш имконияти пайдо бўлди. Германияда шарқшунослик илмини ўрганиш хусусида сўз кетганда биз ушбу илм ривожига ўзининг улкан хиссасини қўшган инсон Доктор Аннемари Шиммель унинг илмий фаолиятига қисқача тўхталиб ўтишимиз зарур. Профессор, доктор Аннемари Шиммель 1922 йилнинг 7 апрелида Эрфуртда туғилган. 1933 йилда Берлин университетида араб ва исломшунослик бўйича таҳсил олган. 1952 йил шарққа, Туркияга 1-мартга саёҳат қилади. 1961 йилда Бонн университетида араб ва исломшунослик бўйича профессор ва илмий маслаҳатчи лавозимларида ишлади. Профессор Аннамари Шиммель 1972-90

йилгача ҳинд мусулмон маданиятини ўрганган. Унинг асарларига “Аёл - менинг қалбим”, “Ислом донолиги”, “жонон, менинг жонимда”, “ислом дунёси” кабиларни мисол қилиб олишимиз мумкин. Профессор А.Шиммелнинг “Жанон менинг жонимда” асари Йўлдош Парда томонидан бевосита ўзбек тилига таржима қилинган ва исломдаги машҳур аёллар мавзусига бағишланган. Мазкур асарнинг Тошкентдаги амалий санъат музейида ўтказилган тақдироти маданият аҳли учун ката байрамга айланган.

Маданиятнинг ўзгарувчан, динамик ва социал гуруҳланишдан келиб чиқадиган жараён сифатида кўринади ва унда субстанц нарса ва эссенци аниқ бўлмайди. Мартин Дукс эса маданиятни тугамайдиган нарса деб қабул қилиш фикрини билдиради. Конференция қатнашчиси Гёте-Тошкент институтидан Анна Нагель хоним “Тарих ва ўзликни англашнинг шаклланиши. Немислар XX асрда” мавзусида маъруза қилди. Хоним ўз маърузасида XX аср олмон халқининг маданий ҳаёти ҳақида қимматли маълумотларни берди: Ўз турмуш тарзини билиш, айрим шахснинг ўзлигини ва инсонлар ҳамжамияти ўзлигини англаш учун белгиловчи аҳамиятга эгадир. Чунки келажак ибтидога эҳтиёжманддир деган эди файласуф Одо Мархвардт. Ўз маърузасида Нагель хоним XX аср немис маданий ҳаётига 1914-18 ва 1939-1945 йилларда бўлиб ўтган икки жаҳон урушининг етказган зарари ҳақида тўхталиб ўтди ва 2-жаҳон урушидан сўнг янги немис давлатининг шарқий ва ғарбий қисмларга бўлиниб кетиши ҳам маданиятга ўзининг салбий таъсирини кўрсатганини таъкидлаб ўтди. Юқорида келтирилган маълумотлардан келиб

чиқиб хулоса қиладиган бўлсак олмон ва ўзбек халқларининг ҳар томонлама камол топишида адабиёт ва маданиятнинг ўрни қанчалик муҳим бўлса, бу адабиёт ва маданиятнинг янада бойишида ва икки халқнинг ўзаро яқинлашувида адабий ва маданий алоқаларнинг ўрни шунчалик аҳамиятлидир.

Суверен Ўзбекистон халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида БМТга аъзо давлат ҳисобланади. Ташқи сиёсатнинг бош тамойиллари Конституция билан белгиланган. Унда барча муҳим, аҳамиятга молик масалалар давлатлараро муносабатларни чуқурлаштириш асослари ва истиқболлари ҳамда ҳудудий ва геосиёсий масалалардаги ечимлар белгиланган. Ўзбек ташқи сиёсати суверенлик барча миллатлар ва тенг ҳуқуқлилиги боқа давлатларнинг ички ишларга аралашмасликка, куч ишлатмасликка, сарҳадлар даҳлсизлигига, можароларни тинч йўл билан бартараф этишга, шунинг билан бирга халқаро ҳуқуқнинг бошқа тамойилларини мўлжаллаб иш юритишга асосланади.

Давлатимиз ташқи сиёсати энг аввало мамлакат миллий манфаатларига ва ўз миллий суверенитетини мустаҳкамлашга қаратилган.

Республикамиз кўп сонли халқаро ташкилотларнинг аъзосидир. 1992 йил 2-мартда Ўзбекистон Республикаси БМТга аъзо бўлиб кирди. 1993 йил БМТ Тошкентда ўз ваколатхонасини очди, қисқа муддатдан сўнг Ўзбекистон БМТда ўз доимий вакилини юборди. Бошқа халқаро ташкилотлар билан бирга Ўзбекистон жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Осиё ва Тинч океани хавзаси иқтисодий ва ижтимоий Кенгаши, халқаро ишчилар ташкилоти,

жаҳон банки, халқаро валюта жамғармаси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Европа қайта қуриш ва ривожланиш банки, атом энергиясидан фойдаланиш халқаро ташкилоти ва бошқаларнинг тенг ҳуқуқли аъзосидир. Мамлакатимиз халқаро битим ва конвенцияларни имзолаган ташкилотлар орасида азон қатламини ҳимоя қилиш Вена конвенцияси ва ядро қуролини кенгайтирмаслик ҳақидаги ҳужжатлар ҳам бор.

Ўзбекистонда халқаро валюта фонди БМТ ривожланиш дастури, халқаро Афғонистонга гуманитар ёрдам кўрсатувчи озиқ-овқат жамғармаси, гиёҳвандликни назорат қилиш дастури, жаҳон болалар жамғармаси, халқаро конференциялар ва семинарлар ўз фаолиятларини олиб бормоқдалар. Ўзбекистон бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тамойилларига амал қилиб, барқарорлик ва халқаро хавфсизликка ўз ҳиссасини қўшмоқда. Европа ҳамкорлик ва хавфсизлик ташкилоти Орол денгизи муаммоларини бартараф этиш таклифлари устида ишламоқда. Бу мақсадда Тошкент ва Урганч шаҳарларида семинарлар ўтказиш учун мазкур ташкилот таклиф қилинган ва ташкилотда лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш борасида иш бошлаган. Ўзбекистон 2001 йил, 15 июлда ташкил қилинган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон билан барча тенг ҳуқуқли аъзо ҳисобланади. Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг бош йўналишлари ҳудудий ҳамкорликни иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳаларда ривожлантириш ҳисобланади.

Германия федератив республикаси Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йилнинг 31 декабрида эътироф этган. 1992 йил 6-мартдан дипломатик муносабатлар ўрнатиб Бонн ва Тошкент шаҳарларида ҳар икки мамлакат элчихоналари иш бошлаган. Ўтган йиллар мобайнида беш марта олий даражадаги ташрифлар амалга оширилди. Президент И.А.Каримов 1993, 1995 ва 2001 йилларда расмий давлат ташрифи билан Германияга борган бўлса, Германия федерал Президенти Роман Херцог 1995 йилда давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келди. 2002 йилда Германия федерал Канцлери Герхард Шрёдер Осиё мамлакатлари бўйлаб расмий давлат сафарларини Ўзбекистонда ниҳоялади. 1996 йили Ўзбекистон Олий Мажлиси делегацияси Олий Мажлис Раиси Эркин Халилов раҳбарлигида Германияда бўлди. 1997 йил, апрелида Германия Бундестаги Раиси муовини Буркхард Хирш бошлиқ нуфузли делегация Ўзбекистонда қабул қилинди. 2000 йилда Германия Бундестаги Президенти Вольфганг Тиерзе раҳбарлигида Ўзбекистонга, Олий Мажлис Раиси Эркин Халилов раҳбарлигидаги ўзбек парламенти вакиллари 2003 йил, феврилида Германияга ташриф буюрганлиги парламентларо алоқаларнинг интенсив ҳарактер касб этганлигидан далолатдир.

### **Маданий муносабатлар**

Маданий соҳадаги ҳамкорлик 1993 ва 1999 йилларда қабул қилинган ўзбек-немис маданий қайд этилган соҳалар бўйича мунтазам давом эттирилмоқда. Тошкентда фаолият олиб бораётган Аденауэр, Фридрих Эберт жамғармалари ва немис академик

айирбошлаш хизмати вакиллари ўзбек ҳамкасблари билан бақамти кенг кўламли ишлар олиб бормоқдалар.

Германия олий ўқув юртлари ректорлари конференцияси билан Ўзбекистон университетлари ректорлари кенгаши ўртасида муносабатлар ўрнатилган. Шунга кўра Германиянинг Бонн, Бохум, Гиесен, Ҳамбург, Берлин, Фрайбург университетлари билан ЎзМУ, ЎзДЖТУ, Архитектура ва қурилиш институти, Тошкент техника университетлари, шунингдек, Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Нукус, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Қаршидаги олий ўқув юртлари талаба ва олимлар ҳамкорлиги ижобий натижалар бермоқда.

1996 йил октябр ва ноябр ойларида Ўзбекистонда “Немис маданияти ҳафталиги”, 1997 йил апрелидан ноябрига қадар “Ўзбек маданияти кунлари” нинг Германия федерал ерларида ўтказилиши, ёки бўлмаса, 2000 йил сентябрида Боннда Бухоро маданияти кунларининг ўтказилиши Баённомада қайд этилган тадбирларнинг ҳаётга тадбиқ этилаётганлигидан нишонадир. Ҳозирги кунда Бухорода “Немис маданияти ва фани маркази” ҳар икки шаҳар ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш ниятида фаолият олиб бормоқда. Айни пайтда Тошкент ва Берлин ҳамда Бухоро ва Бонн, Самарқанд ва Бремен ўртасида ҳамкор шаҳарлар битими имзоланган.

## ХУЛОСА

Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги курраи-заминдаги бошқа давлатлар орасида тутган ўрнимизни яна бир карра баҳолаш учун айна муддао бўлди. Бутун тарихи давомида жаҳон ҳамжамияти кўплаб халокатларни ўз бошидан кечирди. Урушлар не-не салтанатларнинг кулаши, албатта, инсоният солномасида изсиз йўқолиб кетмайди.

Европа ва Осиёда янги-янги давлатлар вужудга келди. Тарих катта халқларни ўз ортидан эргаштириш имкониятини берган ёрқин раҳномаларни юзага чиқарди. Албатта, ҳозир фаровон турмуш кечираётган мамлакатларнинг ҳар бири қолоқлик ботқоғидан чиқиб олиши учун геостратегик жойлашув, табиат захираларининг мавжудлиги ва бошқа омиллардан иборат яхшигина пойдевори бўлган. Бироқ, ҳар қандай ҳолатда ҳам инсоннинг ўзи ҳал қилувчи рол ўйнаши аниқ. Мамлакатнинг ғайратли, меҳнатсевар фуқаролари муваффақиятларнинг муҳим кафолатларидир. Шундай фазилатга эга мамлакатгина доимо ўз олдида кўйган улуғ мақсадларига эришади.

Ўзбекистон ҳам ана шундай бошланғич шарт-шароитга эга эди ва улардан оқилона фойдалана олди. Мамлакат “Фалаж қилиб даволаш” усулини қўллаган ҳолда шиддат билан интилди. Мамлакатимиз тутган сиёсий йўл Ўзбекистонга таг-тубидан емирилган империя тизимидан енгил воз кечиб, тинч йўл билан, қон тўкмасдан ўз мустақиллигини эълон қилиш ва уни мустаҳкамлаш имконини берди. Осиё минтақасида ва шўролардан



кейинги худудлардаги, айниқса, “қайноқ нуқталар” сахнида яққол кўзга ташланувчи сиёсий барқарорлик реал ишлаб турган кўп тизимли иқтисодиёт, қонун устиворлиги – бугунги Ўзбекистон қиёфасининг асосий белгиларидир. Бироқ ҳамма нарсани билишнинг асоси – қиёслаш деб бежиз айтишмаган. Жаҳон иқтисодининг шаклланган тажрибаларидан келиб чиқиб, ўн етти йил давомида амалга оширган ислохотларимизга назар ташлар эканмиз, бир қатор аҳамиятга молик хулосалар чиқаришимиз мумкин. Бу борада иқтисодиётнинг шаклланиш тарихи биз учун ғоят ибратлидир. Ўз вақтида Германия мустақил капиталистик тараққиёт йўлини танлаган пешқадам Европа мамлақати эди.

Битирув малакавий иши олдида қўйилган вазифалар – ўзаро алоқалар қамровлари, маданият, санъат, фан, таълим ва адабиёт соҳасидаги алоқаларни ривожлантирган ҳамда тадқиқотимизнинг композицион кетма-кетлигидан таъминланган материаллар асосида ёритилди. Малакавий иши мавзуси бўйича материалларни тўплаш, ўрганиш, тасниф этиш жараёни натижалари бизни қуйидаги хулосалар чиқаришимизга асос бўлди.

1. Қиёсланаётган ғарб ва шарқ мамлақатлари ҳамкорлигида биз нафақат Европа ва Осиё халқларининг кўп асрлик тарихий, ўзаро маънавий бойиш анъаналарини келгусида давом эттириш учун муҳим асосларни, балки турли минтақаларни қамраб олган ва ягона жаҳон тармоғига бирлаштираётган интеграцион жараёнларнинг замонавий йўналишларига тurtки бериш имконини кўрдик.

2. Ишимизда Германия каби пешқадам Европа давлатининг Ўзбекистон билан турли соҳадаги алоқалари ҳамкор мамлақатлар

манфаатларига қай даражада мутаносиб эканлигини кўрсатишга интилдик.

3. Малакавий ишимизнинг муҳим компоненти ҳисобланмиш адабий ва маданий алоқаларнинг халқларни яқинлаштиришдаги ролини кўрсатишга, қамровини белгилашга интилдик.

4. Маданий, адабий, илмий алоқаларнинг тарихи, ҳозир ва келажакда ўзаро бир-бири билан боғлиқлигини хронологик тарзда кузатдик, ривожланиш тенденцияларини баҳолашга ҳаракат қилдик.

5. Мамлакатларнинг бир-бирларига қизиқишларида мазкур ҳудудлардан чиққан саркардалар, давлат бошлиқлари, олим-у фозиллар, санъаткорлар шахсиятининг тутган ўрни беқиёслиги илмий ишимизда алоҳида таъкидланди. (А.Темур, О.Ф.Бисмарк, К.Аденауэр, Ф.Эберт, Алишер Навоий, И.В.Гёте, З.М.Бобур ва б.)

6. Маданий ва адабий алоқаларнинг нечоғлик муваффақиятли эканлигини белгилашда ҳар икки мамлакатда ҳамкор мамлакатлар муаллифлари асарларининг ва ўша ҳудудлар ҳақидаги адабиётларнинг мунтазам чоп этилиши муҳимлиги ишда алоҳида уқтирилди.

7. Ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришнинг омиллари деганда ҳар икки мамлакатда фаолият олиб бораётган нодавлат ташкилотлари – Ўзбек – немис илмий жамияти, Гёте институти, Конрад Аденауэр, Ф.Эберт жамғармалари, чет мамлакатлар билан дўстлик жамиятлари Имом ал Бухорий халқаро жамияти уюштираётган анжуман, илмий конференция, кўргазма, кино ва театр фестиваллари ҳам муҳим рол ўйнайди.

8. Ҳар икки мамлакатнинг олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот институтлари олимлари иштирокидаги илмий симпозиумлар, қўшма корхона ва лабораториялардаги ҳамкорлик тажрибалари мамлакатлар интеллектуал салоҳиятини кўтаришга, мамлакатлар техник тараққиётини раванқ топтиришга хизмат қилиши шубҳасиздир.

9. Германиянинг бир неча илмий марказларида ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш йўлга қўйилган бўлса, Ўзбекистонда немис тилини чет тили сифатида кенг қамровда ўқитилиши немис тилини ўқитиш бўйича мамлакатимиз жаҳон мамлакатлари орасида фахрли бешинчи ўринда туриши ўзаро бир-бирларини тушунишда муҳим омил эканлиги исбот талаб қилмайдиган ҳодисадир.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин, Т., 1994.
2. Каримов И.А. Ислом ва дунёвий маърифий давлат халқаро илмий - назарий анжуман иштирокчиларига табриги. Т., 2003 й.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари Т., “Ўзбекистон” 2000 й.
4. Beziehungen zu Deutschland. Im Buch “Usbekistan 15 Jahre Unabhängigkeit”, Berlin, 2006, S.58
5. Das Abkommen über die kulturelle Zusammenarbeit aus dem Jahre 1993. (oktober 1993 Berlin)
6. Uzbekistan. Die Erbe der Seidenstraße. Stuttgart – London 1995.
7. Акинер Ш. Шўролардан кейинги Марказий Осиёда ислом. Қайд этилган китоб. Тошкент 2003 й.
8. Германия и Ўзбекистан в кн. “Ўзбекистан” Штутгард – Лондон. 1992.
9. Каримов Ш.Қ. “Жаҳонгашта шеърият” журн. “Ёшлик” 1988 №2
10. Каримов Ш.Қ. Эътироф ва эътиқод, “Жаҳон адабиёти”, 1998 №2
11. Кидерлен Х.А. ГФРнинг Ўзбекистондаги элчиси. “Tarih va o`zlikni anglash: O`zbekiston va Germaniya tajribasi kitobida”. Т., 2005 й.

12. Клингенберг М. Маҳалла, урф-одат ва замонавийлик ўртасида юқоридаги китоб. Т., 2005 й.
13. Минаваров Ш. Ўзбекистонда диний таълим тизими ҳақидаги масалага оид (тажриба, муаммолар, тавсиялар) қайд этилган китоб. Тошкент 2003 й.
14. Мунавваров З. Ўзбекистон Республикасида дунёвийлик билан динийлик ўртасидаги янги нисбатнинг шаклланиши қайд этилган китоб. Тошкент 2003 й.
15. Немецкий институт образования взрослых образование - непрерывное, образование - качество. Қайд этилган китоб. Санкт-Петербург. 2003 г.
16. Проекты отдела по культурному сотрудничеству Гёте – института. Ташкент 2006 г.
17. Протокол третьей сессии Узбекско-германской смешанной комиссии по культурному сотрудничеству (5-8 октября 1999 г. г. Ташкент)
18. Ривеладзе Э.В. марказий Осиё тарихи энг янги тадқиқотларининг айрим жиҳатлари тўғрисида. Юқоридаги китоб. Т., 2005 й.
19. Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари ва ҳозирги дунёда монандлик муаммолари “Tarih va o`zlikni anglash: O`zbekiston va Germaniya tajribasi kitobida”. Т., 2005 й.
20. Симон Г. Совет иттифоқи ва МДҲ минтақасида миллий курилиш. юқорида қайд этилган китоб. Т., 2005 й.